

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 9Уз

**Магистратура бўлими
Ўзбекистон тарихи кафедраси**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бўлим бошлиғи

Н.И.Асқаров

“ ” 2015 йил

“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”

Кафедра мудири

М.Ғ. Абдуллаев

“ ” 2015 йил

БАДАЛОВ БАҲРОМЖОН ОЛИМЖОНОВИЧНИНГ

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ: БУГУНГИ АҲВОЛИ,
УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ**

Мутахассислик: -5A120301 – Ўзбекистон тарихи

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

т.ф.н., доц. Б.М.Расулов

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

1.1. “Ташқи сиёсат” тушунчаси таҳлили.....	10
1.2. Давлат ташқи сиёсий фаолиятининг тарихий-тадрижий тараққиёти.....	15
1.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг сиёсий-ҳуқуқий асослари.....	22

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

2.1. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар.....	33
2.2. Чегарадош давлатлар билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг муҳим йўналиши.....	49
2.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг истиқболлари.....	61

ХУЛОСА.....	70
--------------------	-----------

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	74
--	-----------

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

“Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсирашлар, муаммолар ва ҳал қилинмаган масалалар, кутилмаган воқеа-ҳодисалар шунчалик кам бўлади. Худди шу нарса хавфсизликка солаётган таҳдидларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг зарур шартидир”

И.А.Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида Ватанимизнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги янги ёндашувлари, устувор йўналишлари ҳамда асосий мақсадлари баён этилган. Ушбу муҳим ҳужжатнинг асосий ғоялари эълон қилинганидан сўнг, у нафақат Ўзбекистон жамоатчилиги ўртасида, балки халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш ва эътиборга сабаб бўлди. Қайд этиш жоизки, асосий мақсад сифатида Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик маконини яратишга қаратилган Концепция, халқимиз ва етакчи халқаро кузатувчилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда ва юқори баҳоланмоқда¹.

Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилиб, дунёнинг кўплаб давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўз ташқи сиёсий муносабатларини амалга ошириб келмоқда. Президент И.Каримов Ўзбекистон

¹ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ

келажагида ривожланган давлатлар ўрнининг катталиги ва уларнинг аҳамиятини “давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизда янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз”¹, шунинг учун ҳам хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилишда “тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”, - деб таъкидлаган эди².

Ўтган йигрма тўрт йил давомида Ўзбекистон ташқи сиёсатида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикаси нафақат дунёнинг 160 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатди ёки жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди, балки чет эл давлатлари билан иккитомонлама алоқаларда, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги кўптомонлама ҳамкорликлар тизимида ўз муносиб ўрни билан иштирок этиб келмоқда. Хусусан, И.Каримов Ўзбекистон ҳукумати номидан турли мустақил давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан манфаатдорлигини назарда тутиб, янгича шакл ва мазмундаги давлатлараро ҳамкорликни вужудга келтириш ташаббуси билан чиққанлиги бунинг исботидир. Натижада, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) ва бошқа бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги учрашувларда бугунги куннинг долзарб муаммолари бўлмиш – халқаро терроризм, Афғонистон муаммоси ва бошқа шу каби масалалар ечимига доир таклифларни дадил ўртага ташлаб келмоқда.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 114-бет.

²Ўшаманба. 114-бет.

Айтиш жоизки, сўнгги пайтларда жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар шароитида миллий манфаатларимизга мос келадиган мамлакатлар қаторида турли халқаро ташкилотлар билан ҳам ўрнатилган ҳамкорликлар мониторинг тизимини яратишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий тамойилларини таҳлил қилиш баробарида, давлат ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларни тадқиқ этиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бундан ташқари, тадқиқотнинг долзарблигини қуйидаги жиҳатлар билан ҳам ифодалаш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятида кўптомонлама ва иккитомонлама ҳамкорлик омили муҳим йўналишлар ҳисобланади. Демак, давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва истиқболларини доимий равишда ўрганиб бориш нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятидир;

иккинчидан, бизнингча, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ривожига муайян муаммоларнинг ҳам борлиги маълум маънода мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Негаки, бугунги кунда минтақанинг беш давлатида яшаб келаётган халқлар тарихан бир маконда ҳамкорликда истиқомат қилиб келишганлиги ҳаммага маълум;

учинчидан, давлатнинг у ёки бу ҳамкорлик алоқалари тизимидаги иштирокини таҳлил қилиш билан халқаро муносабатларда ҳамкорлик жараёнларининг ютуқ ва камчиликлари бўйича тегишли хулосаларни олиш мумкин.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил Ўзбекистон шароитида ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини ўрганиш республикаимиз сиёсатшунослигида янги йўналишлардан бири бўлди. Кейинги

йилларда давлатимиз ташқи сиёсатининг у ёки бу қирралари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар сони кескин суръатларда ошди дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятига қизиқиш республика илмий доирасидагина эмас, балки хорижий давлатлар илмий ва расмий доираларида бўлганлигини кузатиш мумкин. Шунинг учун мазкур тадқиқот мавзусининг ишланганлик даражаси борасидаги илмий ва амалий ишлар тизимини икки йўналишда, яъни ўзбекистонлик ва хорижий тадқиқотчилар, мутахассислар ишларида кўриш мумкин.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг баъзи бир жиҳатлари, минтақавий хавфсизлик тизими ва унда Ўзбекистоннинг тутган ўрни билан боғлиқ масалаларнинг айрим қирралари ўзбекистонлик тадқиқотчи олимларнинг ҳам бир қатор илмий ишлари ва вақтли матбуотдаги мақолаларида ўз аксини топган. Бу борада Р.Алимов, Р.Жумаев, Т.Жўраев, Н.Тўлаганова, Б.Тўраев, У.Убайдуллаев, А.Хайдаров, Ф.Толипов, М.Бахадиров, И.Бобоқулов, В.Парамонов, Б.Хўжанов, Х.Умаров ва бошқа шу каби олимларнинг илмий асарлари ва мақолаларини келтириб ўтиш мумкин¹.

Бундан ташқари, мамлакатимизда бевосита халқаро майдонда мустақил ташқи сиёсатни таъминлаш муаммоси атрофидаги илмий ишларни айтиш мумкин. Бу эса мазкур муаммога тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси

Тўраев Б.Убайдуллаев У. Жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлашда янгича тафаккур – Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 2004; *Хайдаров А.* Центральная Азия во внешней политике Иран: Дис... док.полит.наук. –Т.: ТашГИВ, 1998. -371с.; *Толипов Ф.* Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической трансформации Узбекистана. –Т.: Фан, 2005; *Бобоқулов И.* Transafghan corridor: problems and perspectives //Сборник трудов исследователей Узбекистана. - Шах Алам, Малайзия, Университет МАРА, 2007. – С. 9-13; *Парамонов В.* К анализу роли и место США в геополитической ситуации в Центральной Азии. Ўзбекистонда политология. –Т.: Шарк, 2002. -156с.; *Хўжанов Б.* Геомафкуравий ўзгаришлар шароитида миллий-этник муносабатлар (Марказий Осиё минтақаси мисолида): Сиёсий фанлар номзоди даражасини олиш учун бажарилган диссертация. – Т.: ДЖҚА, 2002; *Умаров Х.* Ўзбекистон Республикаси геосиёсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари: Сиёсий фанлар номзоди даражасини олиш учун бажарилган диссертация. –Т.: ДЖҚА, 2004.

суверенитети, давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқий ва конституцион асослари, республиканинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги масалаларининг сиёсий жабҳаларини таҳлил қилишга эътибор кучайиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, А.Турсунов, С.Шаропова сингари олимларнинг докторлик диссертацияларида, М.Мунавваров, Ж.Артиков, О.Джумаевларнинг кандидатлик, шунингдек, Олий мактаб доирасида А.Маткулиев, Ж.Мирорипов, М.Раматуллаевларнинг магистрлик диссертацияларида ҳам ташқи сиёсатнинг назарий асослари, давлатлар ташқи сиёсатида етакчи давлатлар, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида етакчи давлатлар, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга ошириш шакллари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига доир масалаларнинг у ёки бу томонлари илмий жиҳатдан ўрганилган¹.

Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ташқи сиёсий фаолиятининг баъзи жиҳатлари И.Балдауф, З.Барон, Зб.Бжезинский, А.Гегешидзе, Ж.Дамиян, С.Корнелл, Е.Костевич, Ф.Старр, Г.Фулер, У.Хальбах, А.Шмидт сингари ғарб мутахассисларининг ҳам ишларида ўз аксини топган.

Бундан ташқари, тадқиқ этилаётган мавзунинг баъзи қирраларини ўрганишда хорижий тадқиқотлардан Р.Абазов, А.Куртов, М.Лаумулин,

¹Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: ТДЮИ, 2002; Мунавваров М. Императивы внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов. – Т.: ДЖҚА, 2007; Артыков Ж. Внешняя политика Республики Узбекистан и проблемы транспортных коммуникаций. – Т.: ЖИДУ, 2005; Джумаев О. Особенности развития национальной государственности в Узбекистане – Т.: ДЖҚА 2001; Маткулиев А. Интегарцион жараёнларни таҳлил қилиш (Марказий Осиё давлатлари мисолида). – Т.: СТИБОМ, 2004; Мирорипов Ж. Давлат ташқи сиёсатида интеграциялашув омили (Ўзбекистон мисолида). – Т.: СТИБОМ, 2007; Раматуллаев М. Кўп томонлама ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тамойили сифатида. – Т.: СТИБОМ, 2007.

Р.Марданов, А.Сатторзода, Б.Султанов, М.Суюнбаев, К.Сыроежкин ва бошқа шу каби олимларнинг фикр-мулоҳазалари алоҳида ажралиб туради¹.

Юқорида келтирилган илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, илмий доираларда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва истиқболларига доир муносабатлар тизими даврий эмас, балки доимий характерда бўлмоғи лозим.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг бугунги кундаги ҳолати ва ташқи сиёсатимиздаги устувор йўналишларни ўрганиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот асосий мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни бажариш белгиланган:

- ташқи сиёсат тушунчасининг тавсифини бериш;
- Ўзбекистон ташқи сиёсатининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- давлат ташқи сиёсий фаолиятининг шаклланиш жараёнларини кўриб чиқиш;
- ташқи сиёсат соҳасининг ривожланиш эволюциясини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларни ўрганиш;
- Ўзбекистонга чегарадош давлатлар билан алоқаларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

¹Абазов Р. Геополитическая и геоэкономическая трансформация Центральной Азии и Европы: сравнительный анализ // Саясат- 1995, №7, с.68-83; Куртов А. Узбекистан – ключевое государство Центральной Азии // Россия и мусульманский мир. – М., 1999, №4(82), с.65-69; Лаумулин М. Казахстан в современных международных отношениях: безопасность, геополитика, политология. – Алматы: КИСИ, 2000, 480 с.; Марданов Р. Этноконфессиональные конфликты в регионах распространения ислама: причины и особенности // Центральная Азия и Кавказ. Изд.: “Весь мир”, М., 1997, с.35-50. Сатторзода А. Республика Таджикистан и государства Центральной Азии: проблема региональной взаимозависимости // Центральная Азия: Внешний взгляд. Международная политика с Центральноазиатской точки зрения – Изд. Фонда им. Ф.Эберта. 2008, сс.436-448; Султанов Б.

- давлат ташқи сиёсатининг истиқболлари борасида фикрларни бериш.

Тадқиқотнинг объект ва предмети. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти тадқиқотнинг *объекти* ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ҳамда давлатнинг кўптомонлама ва иккитомонлама ҳамкорликларини ўзида акс эттирган сиёсий жараёнлар диссертация ишининг *предметидир*.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент И.Каримовнинг асарлари, нутқ ва нуфузли халқаро ташкилотлардаги чиқишларида халқаро муносабатларни ўрнатиш муаммоларига нисбатан билдирилган фикр-мулоҳазалари тадқиқотга назарий ва услубий жиҳатдан асос бўлди. Бу жиҳатдан Президентнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” каби асарларини келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, мавзунинг ёритишда, жумладан, ташқи сиёсат борасидаги янгича қарашларни ўрганишда бир қатор хорижий мамлакатлар тадқиқотчиларининг ҳам фикрлари услубий асос сифатида олинди.

Диссертацияни амалга ошириш давомида тадқиқотчи томонидан ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида кенг қўлланиладиган қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, ивент таҳлил, фактлар билан ишлаш, тарихийлик услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот илмий фарази. Диссертацияни амалга ошириш аввалида тадқиқотчи томонидан қуйидаги илмий фаразлар илгари сурилган эди, яъни:

- 1) Ҳамкорликнинг иккитомонлама шакли Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий муносабатларининг асосий йўналиши ҳисобланади;

2) Миллий манфаатлар Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга ошириш механизмларини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларнинг бугунги кундаги ҳолати ўрганилди;
- давлат ташқи сиёсати асосланувчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унда акс этган тамойиллар таҳлил қилинди;
- Ўзбекистоннинг чегарадош давлатлар билан ташқи сиёсий муносабатларидаги муаммоли ҳолатлар кўриб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва давлатнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви каби масалалар билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, мазкур соҳанинг у ёки бу жиҳатларига туташ мавзуларда магистрлик ишини амалга ошираётган магистрантлар реферат ва маълумотномалар тайёрлашда қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин.

Магистрлик ишининг тузилиши. Магистрлик иши кириш, олтита параграфни ўз ичига олган иккита боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

1.1. «Ташқи сиёсат» тушунчаси таҳлили

Халқаро муносабатлар назарияси ва замонавий сиёсатшуносликда ташқи сиёсат тушунчасининг турлича тавсифи мавжуд. Мавжуд таърифлар ичида қуйидаги таъриф ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Яъни *ташқи сиёсат* — давлатнинг халқаро майдонда, бошқа ташқи сиёсий фаолият олиб бораётган субъектлар: давлатлар, хорижий партиялар, жамоат ташкилотлари, халқаро ва минтақавий халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатлар тизимини англатади¹.

Ташқи сиёсат давлатнинг иқтисодий, демографик, ҳарбий, илмийтехник, маданий ва бошқа потенциалларига таянади. Уларнинг уйғунлиги давлат ташқи сиёсатининг у ёки бу йўналишлардаги имкониятини, ташқи сиёсий мақсадларни йўлга қўйиш ва амалга оширишдаги устувор йўналишларни аниқлаш имконини белгилаб беради.

Ташқи сиёсатни анъанавий амалга ошириш шакли ўзига хос. Бунга давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг кескин тус олиши; дипломатик алоқаларни ўрнатилиши ёки тўхтатилиши ва ҳатто уруш эълон қилиниши; халқаро ва минтақавий ташкилотларда мамлакат ваколатхоналари очилиши ёки унга аъзо бўлиши; хорижий сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан давлат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишини; халқаро сиёсий диалог чоғида турли сабабларга кўра манфаатдорлик вужудга келиши; давлатнинг хорижий партиялар

¹Кузнецов В.Е. ва бошқалар. Введения в теорию международных отношений и анализ внешней политики. —М.: Издательский дом Сентябрь, 2001. 166-бет

ва ҳаракатлар вакиллари билан дипломатик алоқалари мавжуд бўлмаса ҳам улар билан турли даражада алоқалар олиб борилиши ҳолатини мисол қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда давлатлар ташқи сиёсати институтлашган ҳолда амалга оширилади. Яъни давлат тузилмаларида ташқи сиёсий фаолиятни амалга ошириш ва уни назорат қилиш бўйича махсус идоралар мавжуд: ташқи ишлар вазирлиги (ёки ташқи алоқалар) ва ташқи сиёсий масалалари бўйича парламент қўмиталари; сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик бўйича элчихона ва ваколатхоналар ва улар назорати остида фаолият юритувчи илмий ва маданий марказлар.

Ташқи сиёсат ўз мақсадларини намоён қилиш, унда восита ва методларни танлашда давлатнинг ички сиёсий вазиятини акс эттиради. У ўзида мавжуд бўлган ресурсларга, кадрлар захирасига таянади. Ташқи сиёсатга мамлакат ички сиёсати билан боғлиқ ҳолда қаралади¹.

Илмий адабиётларда маъно жиҳатидан “ташқи сиёсат” атамаси “халқаро сиёсат” тушунчаси билан яқинликка эга. Халқаро сиёсат кенг қамровли тушунча. Унинг таркибий қисмлари таҳлил қилинганда тушунчанинг моҳиятини англаб етиши мумкин. Халқаро сиёсатни тизимли таҳлил қилиш услуби ўтган асрнинг 60-йилларида Д.Сингер томонидан таклиф қилинган ва уни таҳлил қилишни босқичларга бўлиб ўрганган. Таҳлил босқичларини аниқлашда, аввало, халқаро сиёсатни шакллантирувчи омилларни тушуниб етиш зарур ҳисобланади².

Д.Сингер таҳлил қилишнинг икки босқичини ажратиб кўрсатади:

1) Халқаро тизим. Бу босқич халқаро муносабатларнинг жузъий тафсилотларидан узоқлашиб, уларни яхлит ҳолда тадқиқ қилиш ва глобал аҳамиятга эга бўлган жараёнлар моҳиятини тушуниш имконини беради.

¹Политология: Энциклопедический словарь. М., 1993, Ст. 45-46.

²Singer J David. *The Level-of-Analysis Problem in International Relations. International Politics and Foreign Policy*/ Ed. by James N. Rozenau; The Free Press. New York, 1969.

2) Давлат. Давлат халқаро муносабатларнинг асосий субъекти сифатида ўзини мустақил идора қилиш ва ўз сиёсати йўналишини танлаш имкониятига эга. Шунинг учун суверен давлат нуктаи назаридан халқаро сиёсатни бирмунча аниқ ва чуқур таҳлил қилиш мумкин.

Юқорида келтирилган модель таҳлилнинг энг умумий босқичларини қисмларга бўлишга ҳаракат қилишдир. Бирмунча деталлаштирилган модель Ж.Розенауга тегишлидир¹. Мазкур модель олти босқичдан иборат:

1) *Қарор қабул қилувчи индивиднинг ўзига хослиги*. Мазкур босқичда, аввало, қарор қабул қилиш жараёни иштирокчисининг шахсига хос тавсиф тадқиқ қилинади;

2) *Қарор қабул қилувчи индивиднинг бош функцияси*. Шахснинг ҳаракатлари нафақат индивидуал тавсифларга, балки, унинг ўзи вакил бўлган ташкилот ёки унинг фаолияти чегараларини белгилайдиган сиёсий тизимга ҳам боғлиқ.

3) *Ҳокимият структураси*. Ҳокимият структураси билан алоҳида сиёсатчиларнинг ваколатлари, шунингдек улар фаолиятининг ўзига хос шартшароитлари боғлиқ (демократик тизимда жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши ва авторитар тизимда оппозицияни йўқ қилиш);

4) *Жамият тавсифлари*. Бу ҳолатда ҳукумат қарорларига таъсир кўрсатувчи ёки уни белгиловчи омиллар эътиборга олинади. Шундай омиллардан бири, масалан, ҳукумат ихтиёрида ресурсларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидадир;

¹Rozenau James N. The Scientific Study of Foreign Policy. London: Frances Pinter, 1980.

5) *Халқаро муносабатлар*. Давлатларнинг ўзаро ҳаракатлари улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Масалан, кучли давлат кучсиз давлатга нисбатан бошқа кучли давлатга кўрсатаётган муомалани қила олмайди;

6) *Дунё тизими*. Дунё тизими структураси мамлакат фаолият юритадиган халқаро, минтақавий ва глобал муҳитни белгилаб беради.

П.Морган, бунга биров бошқачароқ урғу бериб, тўрт босқичдан иборат бўлган моделни таклиф қилди¹:

1) давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар индивиднинг ўзини тутишига ва унинг қарорига боғлиқ:

2) бундан ташқари, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар вазирлар маҳкамаси, юқори табақа вакиллари, манфаатдор гуруҳлар, бюрократик структуралар каби турли гуруҳлар фаолияти ва қарори натижаси ҳисобланади;

3) халқаро сиёсатда давлатлар устуворликка эга бўладилар, шунинг учун уларнинг ҳар бири хатти-ҳаракатини имкон қадар яхлит бирлик сифатида ўрганиш зарур;

4) давлатлар ёлғиз ўзи фаолият юритмайди, минтақавий гуруҳлар, иттифоқлар, блоклар ва ҳоказоларни эътиборга олиш зарур;

Юқорида келтирилган моделлар халқаро сиёсат нақадар мураккаб ва комплекс феномен эканлигини кўрсатади. Айнан шу комплекслик тадқиқотчиларни муаммони таркибий қисмларга бўлиб ташлаш ва таҳлил ҳар томонлама бўлишига эришиш учун турли жиҳатларини танлашга мажбур қилади. Шундай жиҳатлардан бири – халқаро сиёсатни халқаро майдонда фаолият кўрсатадиган давлат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш. Моделларнинг ҳар бирида

¹Morgan Patrick M. *Theories and Approaches to International Politics*. Transaction Books; New Brunswick and Oxford, 1988.

биз давлат ичидаги ва давлат усти босқичларини фарқлашимиз мумкин, бунда “ташқи сиёсат” тушунчасига тааллуқли бўлган босқичлар ажратиб кўрсатилади.

Шундай қилиб, ташқи сиёсат таҳлили – бу халқаро сиёсатни алоҳида давлат истикболи моҳиятини тушунтириш ва эҳтимол, кейинги тараққиётини башорат қилиш мақсадида тадқиқ қилишга уринишдир.

Давлатнинг ташқи сиёсати тарихи турли вазиятларда унинг ҳаракатларини қиёслаш ва уларнинг манбалари ва моҳиятини аниқлаш имконини беради. Р.Нойштад ва Э.Мейларнинг таъкидлашларича, тарихни ўрганиш ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ўтказишда иштирок этувчи сиёсатчилар учун ҳам катта амалий аҳамиятга эга, бу уларга муваффақиятга эришиш мақсадлари ва йўлларини янада аниқроқ аниқлашда кўмаклашади.

Қиёслашнинг яна бир варианты – бу горизонтал кесим, турли давлатлар сиёсатини таққослаш. Бундай метод ҳар бир давлатга ўз ташқи сиёсатининг янада кенгроқ истикболини белгилаш имконини беради. Бу ҳолатда вазифа – аввалгидек – қонуниятни аниқлаш, бунинг учун халқаро муносабатлар субъектларининг хатти-ҳаракатларида ўхшаш ва фарқли томонларни топиш ва тушунтириш лозим бўлади. Умуман сиёсат – яхлит ҳолда, унинг вариантлари ва натижалари, ташқи сиёсий концепциялар, қарор қабул қилиш тизимлари, унинг сиёсий муваффақиятларга эришишида турли воситалардан фойдаланиши ва ҳоказо каби алоҳида таркибий қисмлари ҳам бирдек қиёсланиши мумкин¹.

Машҳур олим Ж.Розенау нуқтаи назарига кўра, давлатнинг ташқи сиёсатини бирмунча кенгроқ истикболда ва умумлаштиришнинг бирмунча юқори даражасини қўллаб ўрганиш зарур. У ташқи сиёсатни биологик организмга ўхшатиб, давлатнинг ташқи муҳитга мослашишига қаратилган хулқатвори

сифатида қарайди¹. У ташқи сиёсатни ҳукумат халқаро муҳитга мувофиқ келувчи омилларини сақлаб қолиш ёки мувофиқ келмайдиганларини ўзгартириш учун қилинадиган ҳаракатлари тарзида белгилайди.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ташқи сиёсат таҳлилининг асосий методи – барибир уни қарор қабул қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ҳисобланади. Д.Сингер бугунги кунда халқаро муносабатларни алоҳида давлат позициясидан туриб ўрганишнинг афзаллиги - қарор қабул қилишнинг таҳлилидан муваффақиятли фойдаланиш имкони эканлигини таъкидлаган.

Қарор қабул қилиш таҳлили қуйидаги ҳолатларга асосланиб вужудга келади: ташқи сиёсат - аниқлаш мумкин бўлган индивидлар - сиёсатчилар томонидан қабул қилинадиган қарорлардан иборат бўлади. Шунинг учун қарор қабул қилиш тушунтириш зарур бўлган хатти-ҳаракатдир.

Айнан сиёсатчилар ҳар бир конкрет вазият моҳияти нимадан иборат эканлигини аниқлайдилар. Ташқи сиёсатни белгилаб берадиган қарорлар ички ва жамоат манбаларига эга бўлади. Қарор қабул қилиш жараёнининг ўзи қарорнинг муҳим ва мустақил манбаи бўлиши мумкин².

Хулоса қилиб айтганда, ташқи сиёсат – давлатнинг халқаро муносабатларида миллий манфаатларини таъминлаш борасидаги давлат фаолиятининг йўналиши ва соҳаси, шунингдек тегишли мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги аниқ ва амалий қадамларидир. Ташқи сиёсатнинг моҳияти унинг давлат ва халқнинг суверенитетини таъминлашдан иборат бош ва доимий мақсадни ўрганишда намоён бўлади. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича давлат ташқи сиёсати механизмининг бутун саъйи-ҳаракати ижтимоийиқтисодий

¹*Rozenau James N. Comparing Foreign Policies: Why, What, How? // Comparing Foreign Policies: Theories, Finding, and Methods, James N. Rozenau ed. / Halsted Press*

²*Wight Brian P. Decisin-making analysis// Approaches and Theory in International/ Trevor Taylor ed. , Longman; London; and New York,1988.*

интеграцион жараёнларда миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда ўз ифодасини топади.

1.2. Давлат ташқи сиёсий фаолиятининг тарихий-тадрижий таракқиёти

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгандан сўнг мустақил равишда ўз ташқи сиёсатини олиб бориши учун имкониятлар юзага келди. Давлатимиз томонидан қисқа давр ичида ўзининг миллий манфаатларига мос келадиган, унинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлашга, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий техникавий ва маданий алоқалар ўрнатишга хизмат қилувчи ташқи сиёсат йўналишлари белгилаб олинди.

1991 йилнинг сентябри ўзбек халқининг тарихида буюк ўзгаришлар даврини бошлаб бердики, Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида ўз мустақил таракқиёт ва миллий давлатчилик уйғониш йўлига ўтиб олди. Президент И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда: “Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган кунидек оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Ташқи сиёсатда мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқазиши мумкин, қаерда ютиши мумкин - ана шундай жиддий масалаларни ечишга тўғри келди”¹.

Дастлаб 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти”да давлат ташқи сиёсатининг асосий йўллари белгиланди. Унинг қоидалари давлат Конституцияси билан мустаҳкамланиб, давлатни халқаро

¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон. 1999. 4-бет.

майдондаги хатти-ҳаракатларининг стратегиясини белгиловчи, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг миллий механизмлари ташкил қилинди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, 1944 йилда ташкил этилган Ташқи ишлар вазирлиги тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا асосан 1992 йил 23 сентябрда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 1991 йил 7 сентябрда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳамда 1992 йил 21 февралда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил қилинди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги (1996), “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги (1998), “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1998), “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги”, “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”ги (2000), “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги (1995) Қонунлар, шунингдек, Консуллик устави, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси (1997) каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур амалий ишлар натижасида Ўзбекистон мустақиллигини 170 мамлакат тан олди, уларнинг 120 дан ортиғи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 40 дан зиёд элчихоналар, икки нафар дипломатик мақомга эга бўлган савдо ваколатхоналари, 11 та халқаро ташкилотлар ва 17 та халқаро ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Хозирги кунда

дунёнинг 42 мамлакатада Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ишлаб турибди¹.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти тарихий-тадрижий тараққиётини икки қисмга бўлиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, давлатимизнинг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, иккинчиси эса етакчи давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйилишидир.

Хусусан, мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб қабул қилинди. Шу тариқа Тошкентда БМТнинг бирлашган ваколатхонаси очилди (1993), БМТда ҳам Ўзбекистон ваколатхонаси иш бошлади. Шунингдек, Ўзбекистон БМТнинг Таълим фан ва маданият масалалари қўмитаси-ЮНЕСКОга ва Халқаро валюта жамғармаси ва бошқаларга аъзо бўлди. Ўзбекистон ўз овози ва мавқеига эга бўлган аъзо сифатида мазкур халқаро ташкилот олдида муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 30 январда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига ҳам аъзо бўлди. Президент И.А.Каримовнинг ушбу ташкилотнинг 1992 йил июлда Хельсинкида бўлиб ўтган мажлисларидан бирида раислик қилиши, 1994 йил декабрда Будапештдаги саммитида нутқ сўзлаб, диққатни яна бир бор Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятга ҳамда Орол муаммосига қаратиши мамлакат ташқи сиёсати тарихидаги муҳим воқеалар ҳисобланади.

Ўзбекистон 2001 йил июлида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо бўлиб кирди. ШХТга аъзо давлатлар томонидан Тошкентда 2004 йилнинг 1 январида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан ушбу ташкилотларга аъзо давлатлар билан хавфсизлик,

¹Инициативы, укрепляющие сотрудничество - август, 2008, mfa.uz/rus/pressa_i_media_servis/300808r_2.mgr

сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий техникавий ва маданий соҳаларда самарали ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кўшни давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ташаббуси билан чиқа бошлади. И.А.Каримовнинг таклифи билан 1993 йил январда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда Марказий Осиё ягона иқтисодий маконини ташкил этишга келишилди. Шу тариқа жаҳон сиёсий луғатида “Марказий Осиё” деган янги атама пайдо бўлди. 1998 йилда ташкил қилинган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2002 йилнинг феврилида “Марказий Осиё ҳамкорлиги” ташкилотига айлантирилди.

Мамлакатимиз шунингдек, кўплаб халқаро ташкилотлар, чунончи, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантика ҳамкорлик Кенгаши, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё-Тинч океани ҳавзаси бўйича Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш, Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси, Божхоналар ҳамкорлиги Кенгаши ва ҳоказолар таркибига кирган. Бундан ташқари Ўзбекистон қатор халқаро битим ва конвенцияларга қўшилган. Улар орасида Озон қатламини ҳимоя қилиш Вена конвенцияси ва Озон қатламини камайтирувчи моддалар тўғрисида Монреал протоколи (1993), Атроф муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенция (1993), Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома (1993) мавжуд.

Юртимизда кўплаб халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, шу жумладан Тошкентда Жаҳон банки, Тинчлик корпуси, Халқаро қизил хоч

¹ “Мустақиллик” илмий изоҳли оммабоп луғат. –Т.:Шарқ. 2006. 390-бет.

кўмитаси, Халқаро валюта фонди, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишларини мувофиқлаштирувчи Жаҳон озиқ-овқат жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича дастури, Саноат тараққиёти, Болалар жамғармасининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаёпти.

Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини иккитомонлама асосда ҳам ривожлантириб бормокда. 1996 йил 21 июнда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу битим иккитомонлама алоқаларнинг кенг кўламини қамраб олган бўлиб, унда иқтисодий, сиёсий, савдо муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий, молия, илм-фан, технология ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам асос яратиш каби мақсадлар ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Россиядан сўнг иккинчи бўлиб Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзолади. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши анча кенгайди – ушбу йўналиш Европадаги айрим мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни, шунингдек, бутун Европа қитъасини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишида Европанинг имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ҳаётий муҳимдир.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек “Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорликни биз Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса деб ҳисоблаймиз. Чунки бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар билан бир қаторда сиёсий соҳани ҳам назарда тутди”¹.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: барқарорлик шартларива тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 304-бет.

хавфсизлик каттаҳдид,

Ўзбекистон минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Марказий Осиёда алоҳида жўғрофий ва сиёсийжўғрофий ўрин эгаллайди. Улкан табиий, минерал-хомашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади¹.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тарихий тадрижий таракқиётида Россия Федерацияси билан муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Россия билан алоқалар ҳам иккитомонлама, ҳам МДХ ва ШХТ доирасида кўптомонлама характерда ривожланмокда. Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо бўлиши Россиянинг хавфсизлик борасидаги манфаатларига мос тушди. 2004 йилнинг 17 июнида ШХТнинг Тошкент саммити даврида Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Мазкур шартнома асосида кейинчалик, 2005 йилнинг 14 ноябрида Москва шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома” имзоланди ва ўзаро алоқалар иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Сўнгги пайтларда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлиkning кенгайиши ҳам ўзаро манафаатларни ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

2009 йилнинг январ ойида Россия Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган мулоқотнинг мантиқий давоми деб айтиш мумкин. Сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, икки давлатнинг минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги уларнинг

¹Каримов И.А. Европа иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашида сўзланган нутқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 3-4-бет.

манфаатлари эътиборга олинган ҳолда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини амалга оширмоқда¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 24-27 май кунлари ХХРга ташриф буюриб, Пекин шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома” имзоланди ва стратегик шерикчилик муносабатлари учун асос яратишдаги муҳим қадам бўлди.

Дунёнинг етакчи давлатларидан бири йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбийтехникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан ҳам муносабатлар йўлга қўйилди. АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1992 йилнинг 19 феввалида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йил июнида АҚШга қилган ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашган муҳим воқеа бўлди.

Сўнгги йилларда Европадаги кўпгина мамлакатлар – Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан бевосита, иккитомонлама муносабатлар анча кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари – Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан ҳам алоқалар ривожланиб бормоқда.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўтган қисқа тарихий давр ичида жаҳон ҳамжамиятидан ўзига хос ўрин эгаллади. Давлатнинг амалга ошираётган ташқи

¹XXI Ўзбекистон мустақиллигининг 1991 йил 27 декабрдاتанолганва 1992 йилнинг 1 мартиданбошлабдипломатикмуносабатларўрнатилган.

сиёсат стратегияси ҳар томонлама алоқаларни ўрнатишга, дунё иқтисодий алоқалар тизимида муваффақиятли интеграциялашувига, халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни амалга оширишга имкон бермоқда.

Хуллас, давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолиятининг тарихий ривожига ўзига ҳос. Агар Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида 1991-1993 йиллар Шарқ мамлакатлари билан алоқалар устувор бўлган бўлса, 1994 йилдан бошлаб дунёнинг бошқа минтақалари, жумладан Ғарб давлатлари билан ҳамкорликка катта эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кунда олиб бораётган ташқи сиёсати “янги стратегия” тамойилига асосланмоқда дейиш мумкин. Зеро “янги стратегия” муносабатлар шаклининг иккитомонлама кўринишини англатиб, турли соҳалар бўйича ҳамкорликнинг самаралилиги билан ажралиб туради.

1.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг сиёсий-ҳуқуқий асослари

Давлатнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинади. Юритадиган ташқи сиёсатнинг мазмунини миллий манфаатлар белгилайди, миллий манфаатлар эса, ўз навбатида, миллий ҳуқуқ устуворликлари воститасида рўёбга чиқарилади. Шуларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон қисқа давр ичида ўз ташқи сиёсатининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратди, давлатлараро муносабатлардаги тамойиллар ва устувор йўналишларини белгилади ва уларнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни жадал суръатлар билан амалга ошириб келмоқда.

Давлатнинг ташқи сиёсатдаги ҳаракатларини тартибга солиб турувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч бу - Конституциявий ҳуқуқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганидек, “Очиқ демократик жамият куриш, бозор муносабатларини вужудга келтириш халқаро эътироф этилган

конституциявий ҳамда ҳуқуқий асосда амалга оширилмоқда. Бу асос иқтисодийни ислоҳ қилиш, унинг кенг қўламда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун кучли ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитларни таъминлаб беради”¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон Конституциясида илк маротаба ташқи сиёсатни тартибга солувчи норманинг киритилиши катта сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди.

Бизнингча, Конституциянинг ташқи сиёсат принципларини акс эттирувчи 17-моддаси икки қисмдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси умумий, иккинчиси эса хусусий тусга эга. *Биринчи қисмда* умуман давлат ташқи сиёсатининг принципиал асослари белгиланган. Иккинчи қисмда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан чиқиш принципи янада аниқроқ ифодаланган².

Конституцияда мустаҳкамланган ташқи сиёсат борасидаги барча тамойиллар халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидаларига тўла мувофиқдир. Масалан, “...давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик...”³ принциплари айни чоғда халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари рўйхатини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати асосидаги “*суверен тенглик*” принципи бошқа давлатларнинг ўзига ҳослигини эътироф этишни, уларнинг мустақиллигини, ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий тизимини ўзи эркин танлаш ва ривожлантириш, шунингдек ўз ички қонунчилигини ўзи яратиш

¹Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизлик катахдид, барқарорлик шартлариватараққиёт кафолатлари .Т.6 –Т.: Ўзбекистон, 1998. 227-бет.

²Турсунов А. С. Ўзбекистон Республикаси Контституцияси ва ташқи сиёсат.-Т.: ТДЮИ, 2005. 21-бет. ³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

ҳуқуқларини ҳурмат қилишни англатади. Ўзбекистон беистисно барча давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тенглигини конституциявий даражада эътироф этади¹.

Ташқи сиёсатнинг “*куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик*” тамойили томонларнинг бошқа давлатларга қарши бевосита ёки билвосита куч ишлатишни ифодаловчи ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туришини англатади. Бу масала илк бор Иккинчи жаҳон уруши йилларида юзага келди ва халқларнинг урушдан кейин халқаро муносабатларни адолатли асосда ўрнатишга бўлган интилишлари ва умидларини акс эттирди. Бу объектив қонуният биринчи марта халқаро ҳуқуқ принципига айланди ва БМТ Низомида (IV бўлим 2-модда) мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон учун бу принцип алоҳида аҳамиятга эга. Президент И.Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида алоҳида таъкидлаганидек: “...Ўзбекистон уруш, ҳарбий можароларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб қувватлашга тайёр”².

“*Чегараларнинг дахлсизлиги*” принципи олдинги икки принцип билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу тамойил 1975 йилги ЕХХК Яқунловчи ҳужжатида ифодаланди: “Иштирокчи давлатлар бир-бирларининг ва Европадаги барча давлатларнинг чегараларини бузилмас ҳамда дахлсиз дея қарайдилар ва шу боис ҳозир ҳам, келажакда ҳам бу чегараларга нисбатан ҳар қандай хавф солишга қаратилган ҳаракатдан ўзларини тийиб турадилар”. Давлат чегарасига хавф солиш — бу чегара чизикларини ўзгартиришга, унинг юридик (ҳуқуқий) қонунийлиги ёки чегара чизиғининг ҳолатини ўзгартиришга йўналтирилган бир томонлама хатти-ҳаракат, таҳдид ёки талабдир. Шу боис бундай тамойилнинг эътироф

¹ Мазкур принцип Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг (ЕХХК) 1975 йилги Яқунловчи ҳужжатидан ўрин олган тамойиллар Декларациясида акс эттирилган

²Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т.3 –Т.: Ўзбекистон, 1996. 52-бет.

этилиши ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечиш демакдир, яъни ҳужжат матнида айтилганидек, давлатлар “аъзо давлатлардан исталган бирининг бутун ҳудуди ёки ундан бир қисмини эгаллаб олиш ёки бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай талаб ёки ҳаракатдан ўзларини тийиб турадилар”¹.

“*Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш*” принципида назарда тутилганидек, халқаро муносабатлар субъектлари ўртасида юзага келадиган ҳар қандай масалалар халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлиги ва ҳавфсизлиги таҳдид остида қолмаслигини кўзлаб, фақат тинч йўл билан ҳал этилиши керак. Бу принцип БМТ Уставининг 2-моддаси 3-бандида ва VII бобида ўз ифодасини топган. Музокаралар, тергов ва келишув таомиллари, воситачилик, ҳакамлик ёки суд таомили низоларни ҳал этишнинг асосий воситалари бўлиши керак. Куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишдан тийилиш мазкур принципларнинг норматив талаблари жумласига киради. Ўзбекистон бу принципни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш орқали ҳар қандай мураккабликдаги масалаларни зўрлик ишлатмай, тинч йўл билан ҳал этишга устуворлик берувчи тинчликсевар давлат эканлигини маълум қилди.

“*Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик*” деб таърифланган принцип Ўзбекистоннинг Асосий Қонунидаги юқорида гап борган тўртта принцип билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ташқи сиёсатда ана шу принципнинг амалга оширилиши, энг аввало, БМТ Уставида (2-модданинг 7банди) ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг давлатлар ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги ҳамда уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш тўғрисидаги 1965-йилги декларацияда қайд этилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига асосланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 2008. 85-бет.

“Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормалари” деган таъриф хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, гарчи бир қадар умумлашган таъриф бўлсада, лекин унда мужассамлашган мазмун юқорида қайд этилган бошқа алоҳида ҳар бир принцип каби кучга эга. 1992-йилнинг 2-март кунидан бошлаб БМТ ҳужжатларида белгиланган принциплар Ўзбекистон учун ҳам мажбурий бўлиб қолди. Шунга мувофиқ равишда, қуйидаги принциплар Ўзбекистон учун ҳам қатъий принциплар ҳисобланади:

- давлатларнинг бир-бири билан ҳамкорлик қилиши;
- халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;
- халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни ҳалол бажариш;
- давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш.

БМТ уставининг 103-моддасида таъкидланадики, “ташкилот аъзоларининг ушбу Уставдан келиб чиқадиган мажбуриятлари уларнинг бошқа бирор халқаро битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларга зид бўлиб қолган тақдирда, ташкилот аъзоларининг Устав бўйича олган мажбуриятлари устун кучга эга бўлади”.

Иккинчидан, БМТ Уставида мустаҳкамланган принциплар ва нормалардан кейин халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари тоифасига кўптомонлама халқаро шартномаларда белгиланган, шунингдек, урф ва одат бўлиб қолган ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик давлатлари томонидан тан олинган принциплар ва нормаларни киритиш керак. Улар юқорида кўриб чиқилган конституциявий принциплар билан тенг бўлиб, ўз мақомига кўра, юқори даражадаги қатъий принциплардир. Ташқи сиёсатни тартибга солиб туриш масалаларига доир ички қонун ҳужжатлари ҳам, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан шартномалари ҳам уларга зид бўлиши мумкин эмас.

Конституция 17-моддасининг иккинчи қисмида эса “*республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин*”лиги белгиланган.

Ушбу принципдан кўзланган асосий мақсад халқнинг фаровонлиги ва хавфсизлиги манфаатларини қатъий тарзда таъминлашдан иборат бўлиб, бу вазифани давлат ўзининг ташқи сиёсий фаолияти орқали амалга ошириши лозим. Бизнингча, принципнинг моҳияти иккита муҳим мавқеини: 1) мамлакатнинг давлатлараро тузилмаларга эркин “кириши” ва 2) улардан эркин “ажралиб чиқиши”ни акс эттиради. Мазкур принципнинг белгиланган асосий вазифаси – ушбу масалада у ёки бу ташқи сиёсий ечим асосида ётиши мумкин бўлган оқилона, мафкуралашмаган ҳоли сабабларга устуворлик беришдир. “Принципда, моҳиятан, миллий манфаатларнинг бошқа барча манфаатлар, хусусан, минтақавий, глобал, мафкуравий ва шу сингари манфаатлардан устуворлиги эълон қилинади ҳамда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги ўзаро яқин ҳамкорлик шакллариغا, айниқса, ўз суверенитетининг муайян қисмини давлатлардан устун турувчи тузилмаларга бериш билан боғлиқ муносабатларга эҳтиёткор ёндашиш талаби ётади”¹.

Ҳозирда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият доирасида амалда бўлган қатор халқаро ҳужжатларга қўшилди. 2008 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси 900 дан ортиқ иккитомонлама ва 170 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди ва ратификация қилди². Ушбу ҳолат

¹Турсунов А. С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ташқи сиёсат.-Т.: ТДЮИ, 2005. 28-бет. ² Во имя сохранения мира и укрепления независимости Узбекистана. – март, 2009, www.mfa.uz.

мазкур ҳужжатлар қоидаларини белгиланган муддат ва талаблар доирасида миллийҳуқуқий тизимга имплементация қилишни (тадбиқ қилиш, сингдиришни) тақозо этади.

Конституциянинг 17-моддасида белгиланган ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини:

- “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 1991 йил 31 августдаги қонуни;
- “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 2000 йил 26 майдаги янги таҳрирдаги қонуни;
- “Мудофаа тўғрисида”ги 2001 йил 11 майдаги янги таҳрирдаги қонуни;
- “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги 1996 йил 26 декабрдаги қонуни;
- “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги 1995 йил 22 декабрдаги қонуни;
- Олий Мажлисининг 1995 йил 30 август Қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси” каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун ва юқорида тилга олинган бошқа ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини мустақил амалга оширишига мустаҳкам замин яратди. Бу хусусда Президент И.Каримов: “Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён Республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни

ўрнатади. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда... юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди”, — деган эди¹.

Мазкур қонуннинг 13 ва 14-моддаларида Ўзбекистон чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатиши, улар билан мухтор вакиллар айирбошлаши, халқаро шартномалар тузиши ҳамда халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкинлиги, шу билан бир қаторда, мамлакатимиз халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти эканлиги, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилаши, ўзининг конвертация қилинадиган валюта жамғармасини, олтин ва бошқа захираларини яратиши, айирбошладиган валютани сотиши ва сотиб олиши белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида” ги қонунга биноан ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатлиги белгиланади:

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги;

Ўзбекистоннинг ишларга аралашиш, мустақилликни ва суверенитетни камситиш ҳамда давлатлараро муносабатларни мафкуралаштиришнинг ҳар қандай эҳтимолини истисно этувчи тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни барча давлатлар билан йўлга қўйиши;

БМТ, ЕХХТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш, Европа, Осиё ва жаҳон хавфсизлик тузилмаларига интеграциялашув

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: Ўзбекистон. 1993. 38-бет.

Ўзбекистон тегишли тузилмаларининг ташқи сиёсий фаолиятидаги энг муҳим вазифа эканлиги;

Ўзбекистон мамлакатнинг барқарорлигини, собитқадам ривожланиши ва миллий хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган, жаҳон хўжалик алоқаларига ахборот, технология ва коммуникация жиҳатидан кириб боришига кўмаклашадиган давлатлараро тузилмаларга, шу жумладан, иқтисодий тузилмаларга устувор аҳамият бериши;

Ўзбекистон ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги;

Ўзбекистон минтақадаги ҳамда ундан ташқаридаги можароларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ишида фаол қатнашиши.

Мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолияти асосланувчи ҳужжатлардан яна бири бу – “*Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси*” ҳисобланади. Ҳарбий доктрина мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва у миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига мутлақо янгича ёндашувларга асосланади.

Ушбу доктринага асосан, Ўзбекистон халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади ва жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида, ҳарбий можаролар чиқишини превентив дипломатия воситасида бартараф қилишда фаол иштирок этишни, зиддиятларни кескинлаштирадиган сабабларга барҳам беришга ёки уларни енгишга куч-ғайрат сарфлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Давлатимиз ташқи сиёсий фаолиятини олиб боришда муҳим ўрин тутадиган қонунлардан яна бири “*Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида*”ги қонун ҳисобланади. Ташқи сиёсий фаолият олиб

боришдаги асосий воситалардан бири халқаро шартномалар ҳисобланади. Республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви халқаро шартнома, деб тан олинади. Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва денонсация қилиш тартиби мазкур қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг *“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”*ги (янги таҳрири) қонуни ташқи сиёсат олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонун ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Унинг асосий функцияси - ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шартшароитлар яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг *“Мудофаа тўғрисида”*ги (янги таҳрири) қонунига асосан, мудофаа деганда мамлакатимиз суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилади.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига асосан мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, бироқ Ўзбекистоннинг тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно;

- халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;
- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;
- ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг хусусиятига монанд бўлиши;
- ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш;
- Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни даф этишга доим шай туриши;
- мудофаанинг етарли даражада бўлиши;
- ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш.

Билдирилган фикрлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида конституциявий тамойилларга ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига амал қилган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини мукаммал равишда норматив тартибга солганлиги, мамлакатнинг ушбу соҳадаги салоҳиятини кучайтирмоқда. *Биринчидан*, ташқи сиёсат соҳасидаги принципларга изчил риоя этиш Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимида кириб боришини таъминламоқда. *Иккинчидан*, бу жаҳон иқтисодий алоқаларига, коллектив хавфсизликнинг глобал ва минтақавий тизимларига интеграциялашув бўлиб, ўз навбатида, ижтимоий тараққиётнинг асосий ички вазифалари бажарилишини ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар амалга оширилишини енгиллаштиради. *Учинчидан*, бу очик тинчликсевар, жаҳондаги барча мамлакатлар билан ижобий ҳамкорлик қилишга тайёр мамлакат нуфузини кўрсатувчи белгидир.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

2.1. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини белгилашда дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва зиддиятли вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга ега бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатида *қўйтомонлама* ҳамкорлик ҳақида гапирганимизда, энг аввало давлатнинг **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти** тизимидаги иштирокни назарда тутамиз¹. Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши, халқаро кун тартибидаги глобал ва минтақавий муаммоларни кўриб чиқишда иштирок этиш ва улар юзасидан қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилиниши имкониятини беради. БМТ билан алоқаларимизнинг асосий устувор йўналишлари, замонавий хавф ва таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуроллари тарқатмаслик, Афғонистонни реконструкция қилиш, экологик муаммолар, хусусан Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу борада Ўзбекистон ўз овози ва мавқеига эга бўлган аъзо давлат сифатида мазкур халқаро ташкилот олдида ушбу муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда ва жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ушбу масалаларга қаратиб келмоқда.

¹Ўзбекистон 1992 йилнинг 2 мартидан БМТга аъзо бўлди. 1993 йилнинг 24 августида Тошкентда БМТ бирлашган ваколатхонаси очилди, БМТда ҳам Ўзбекистон ваколатхонаси иш бошлади.

Ўзбекистон терроризмга қарши курашиш бўйича БМТнинг 13 та конвенциясининг барчасида иштирок этган ва бу борада тегишли ташаббуслар билан чиққан. Булардан терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказини тузиш юзасидан таклифи муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таклифга кўра №1373-Резолюция (2001 йил) билан БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши доирасида Аксилтеррор қўмита ташкил қилинди¹.

2002 йилда БМТ бош котибининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президент И.Каримов наркотикларни назорат қилиш бўйича БМТ минтақавий марказини ташкил қилиш юзасидан ташаббусни илгари сурди ва ушбу марказ Олмаотада очилди. Шунингдек, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришга эмбарго жорий қилиш ҳамда бу мамлакатнинг қўшнилари ва дўстлари иштирокида гуруҳ тузиш бўйича ташаббус киритди ва у 6+2 гуруҳида ўз аксини топди².

Ўзбекистон БМТнинг Афғонистонда барқарорликни таъминлаш борасидаги дастурларига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, гуманитар юкларни етказиб бериш учун ўзбек-афғон кўпригини очди, Афғонистон ҳудудидаги инфраструктураларни ва ҳар хил объектларни тиклаш борасида кўмаклашиб келмоқда.

БМТ доирасида Ўзбекистон кимёвий ва биологик қуролларни тарқатмаслик ва уларнинг кенг қамровли синовларини таъқиқлаш борасидаги муҳим халқаро келишув ва шартномаларга қўшилган. Республикамиз Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд қилиниши борасида йирик ташаббускор ҳисобланади. 2006 йилда Марказий Осиё давлат раҳбарлари Семипалатинск шаҳрида “Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд” шартномасини

¹Ўзбекистан – ООН – январь, 2009, mfa.uz/rus/mej_sotr/uzb_mejd_org; ²Ўшаманба.

имзоладилар. Ўзбекистон делегациясининг Марказий Осиё давлатлари номидан тақдим этган шу мазмундаги ҳужжати Бош Ассамблея томонидан 61-сессиядаги резолюция билан маъқулланди¹.

Мамлакатимизда БМТнинг бир қанча тузулмалари, хусусан, Тараққиёт дастури, наркоманияга қарши курашиш дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш, Болалар фонди (ЮНИСЕФ), саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ваколатхоналари кенг фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 1993 йилдан 2006 йилга қадар БМТнинг Тошкентда ва Термиздаги бўлинмасига эга бўлган Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссар бошқармаси ҳам фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси дунё минтақаларининг барқарор тараққиёти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишларида халқаро ҳамкорликнинг глобал тузилмаси сифатида БМТнинг муқобили йўқ, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг кўптомонлама ҳамкорлик тизимида **Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ)** ҳам ўрни катта. Ўзбекистон илк бор “Шанхай бешлиги”нинг 2000 йил июлида Душанбеда бўлиб ўтган бешинчи саммитида кузатувчи сифатида иштирок этди. Саммитда И.Каримовнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси қўллаб-қувватланди. 2001 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган саммитда “Шанхай бешлиги” унга аъзо бўлган давлат - Ўзбекистон Республикаси иштирокида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди. Ўзбекистон ШХТнинг таъсисчиларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига “...тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган, очиқ, конструктив шерикчилик ва

¹ ООН одобрил резолюцию “ЦАЗСЯО”-январь, 2006. www.gov.uz/ru/content.

авваламбор, халқаро терроризм, диний экстремизм, агрессив сепаратизм, наркобизнес каби глобал ҳамда минтақавий таҳдидларга қарши турувчи кўптомонлама ҳамкорлик механизми сифатида қарайди”¹.

ШХТнинг бошқа аъзо давлатлари сингари Ўзбекистон ҳам ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор мақсадларни кўзлаб ташкилотга аъзо бўлган эди. ШХТ вазифаларидан асосан иккитаси – терроризмга қарши кураш ва кенг қамровли иқтисодий ҳамкорлик, ташкилотга аъзо давлатлар учун доимо муҳим йўналишлар бўлиб қолади. Афғонистонда террорчи гуруҳларнинг кенг масштабда фаолият юритиш имкониятлари сиртдан қараганда камайган бўлсада, лекин Марказий Осиёда терроризм, экстремизм ва сепаратизм кучлари асосий таҳдидлар сифатида сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзолигининг бош сабаби ҳам айнан ана шундай таҳдидларни бартараф этишни ўзининг асосий мақсади деб белгилаган ШХТни минтақадаги хавфсизлик тизими сифатида кўришдир. Мутахассисларнинг фикрига кўра “Шанхай бешлиги” тузилмаси айнан Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиб кирганидан кейингина тўлақонли минтақавий хавфсизлик тизимига айланди ва кўп қутбли дунёнинг шаклланиши учун реал инструмент сифатида шаклланди.

Терроризм хуружига қарши узлуксиз курашиш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар томонидан Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йилнинг 1 январида ташкил этилди. Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг асосий аҳамияти – ахборот ва маълумотларни тўплаш, ШХТга аъзо давлатлар вакиллариининг ҳамкорликда ишлаши учун зарур имкониятларни беради. Тузилма фаолияти терроризм, экстремизм ва сепаратизм каби таҳдидларга қарши кураш

¹ Рахимова З. Ўзбекистон в системе ГУУАМ и ШОС// Центральная Азия и Кавказ. Журнал социальнополитических исследований, № 5(17)-2001.-с.195

борасидаги умумжаҳон тизимига мувофиқ келади ва бу соҳада фаолият юритувчи бошқа минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликда ўрни бор.

Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо бўлиб киришидан кўзлаган иқтисодий мақсадларидан бири бу ташкилот доирасида денгиз йўлларига чиқиш учун қулай имкониятнинг мавжудлигини кўрсатиш мумкин. Бунда Россия орқали ўтадиган йўналишдан ташқари Хитой йўналиши назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизда халқаро автомобил ва темир йўл тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати халқаро аҳамиятга молик турли хил дастурлар ва йўл лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, бунга Андижон-ОшИркиштом-Қошғар йўлини таъмирлашдаги Ўзбекистоннинг фаол ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, 2003 йил июнида И.А.Каримовнинг Эрон Ислом Республикасига ташрифи чоғида ҳам Ўзбекистоннинг Афғонистон ва Эрон орқали жанубий денгизларга чиқиш масаласи кўриб ўтилганди. Зеро, келажакда Хитой билан боғланиши керак бўлган бу йўлнинг, Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо бўлиш сабабларидан бири эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистоннинг кўптомонлама алоқаларидаги устувор йўналишларида **Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигининг(МДХ) ўз ўрни бор¹.**

¹*Эслатма:* Белоруссиянинг Вискуля қароргоҳида 08.12.1991 йилда Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина раҳбарлари МДХ ташкил этиш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. 21.12.1991 йилда эса Олмаотада 11 суверен давлат раҳбарлари (Болтиқбўйи давлатлари ва Грузиядан ташқари) томонидан мазкур битим Протоколини имзолаб, Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари МДХни ташкил этишини эълон қилди (1993 йил декабрда Грузия ҳам қўшилди). Ҳамдўстлик барча аъзоларининг суверен тенглигига асосланган. МДХ давлат ҳисобланмайди ва давлатлардан юқорироқ мавқега эга бўлмайди. Мамлакатларнинг МДХ доирасидаги алоқалари унинг мувофиқлаштирувчи институтлари: 1993 йилда Минскда қабул қилинган МДХ Устави асосида фаолият

МДХ ташкил этилганидан буён Ўзбекистон иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, янги асосда хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш, ушбу жараёнларни сиёсийлаштирмаслик, сунъий равишда жадаллаштирмаслик, бир-бирига тазйиқ ўтказмаслик тарафдори бўлиб келди.

Ўзбекистоннинг МДХга нисбатан муносабати қуйидагилардан иборат: 1. Барча аъзо давлатларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда тенг шерикликка асосланган иқтисодий интеграция бош устувор мақсад бўлиб қолиши зарур.

2. Ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишга интилаётган давлатлар ихтиёрийлик тамойилига қатъий амал қилиши керак¹.

Президент И.Каримов МДХ саммитларида ҳамдўстлик доирасида эркин савдо ҳудудини шакллантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш борасида ташаббус билан чиққан. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус, МДХ ҳудудида терроризмга қарши марказни тузишдан иборат бўлди. МДХ раҳбарларининг учрашувларида мазкур масалани ҳал этиш ўта муҳимлиги таъкидланди. Ушбу сайъ-ҳаракатлар натижасида 21.06.2000 йилда “МДХ аксилтеррор маркази” тузилди.

Ўзбекистон назарида, МДХ барча давлатлар учун максимал даражада ижтимоий-хўжалик самарадорлигига эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларни бошқариш макони, мувофиқлаштирувчи ва ахборот билан таъминлов вазифасини бажариши керак. Бу МДХ, жаҳон хўжалик тизимида босқичма-босқич киришига имкон яратади.

юритадиган давлатлар раҳбарлари Кенгаши, ҳукумат раҳбарлари Кенгаши, Ижроия Котибият ва бошқалар орқали амалга оширилади.

¹ Участие РУз в СНГ-январь, 2009, mfa.uz/rus/mej_sotr/uzbekistan_i_strani_mira/uzb_sng/

Мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда МДХ доирасидаги давлатлараро алоқаларнинг қуйидаги асосий йўналишлари Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади:

- олдинги босқич мақсадига эришилмагунча интеграция босқичларидан “сакрашларсиз” Ҳамдўстлик доирасида тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш;

- савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш; - товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш.

Ўзбекистоннинг кўптомонлама алоқаларида **Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотининг** (НАТО) ўрни катта. Ўзбекистон 1994 йил 13 июлда НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига аъзо бўлди. Ўзбекистон “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурида иштирок этишни мамлакат мустақиллиги ва истиқлолини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан баҳолайди¹².

1996 йилдан буён НАТОнинг ҳар бир давлат билан алоҳида дастури, яъни Индивидуал ҳамкорлик дастури доирасида ҳарбий кадрларни ўқитиш ҳамда илм-фан ва Фавқулодда фуқаровий режалаштириш соҳасида ўзаро алоқа қилади. 2003 йилда Тинчлик йўлида ҳамкорлик дорасида Фавқулотда вазиятлар вазирлиги билан “Фарғона-2003 ўқув машғулотлари ўтказилди³.

Ўзбекистон Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) доирасида НАТОнинг алоҳида қўмиталари хусусан, СЕАП кенгашининг элчилар даражасидаги мажлиси, Сиёсий қўмита, Ҳарбий-сиёсий бошқарувчилар қўмитаси ва Тинчлик йўлида илм қўмитаси ишларида ҳам иштирок этмоқда. Шунингдек,

¹Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

² -305-бетлар.

³ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар.Т.: Академия, 2005. 337-бет.

Ўзбекистон вакиллари “6+2” доирасида Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича маслаҳатларда иштирок этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон илм фан вакиллари илмий ҳамкорлик доирасида НАТОнинг “Илм-фан орқали хавфсизлик сари” дастурида иштирок этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда юздан зиёд илмий-техник лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон ва НАТО Илмий қўмитаси билан ва “Виртуал ипак йўли” ва “Меланж” лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этмоқда. Ҳозирда, Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан (2004 йилда тасдиқланган) НАТО Илмий қўмитаси гранти доирасидаги Орол денгизига қўшиладиган дарёлардан фойдаланишдаги муаммолар бўйича илмий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов НАТОнинг 1999 йил апрелида Вашингтонда ва 2002 йил ноябрида Прагада ҳамда 2008 йил апрелда Бухарестда бўлиб ўтган саммитларида ўз таклифлари билан иштирок этди. Хусусан, И.Каримов НАТО/СЕАП Бухарест саммитида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан 2001 йилгача фаолият кўрсатган “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш тўғрисида ташаббус билан чиқди.

НАТО тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши– СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилидир. Ушбу жараёнда “...мамлакатимизнинг истиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа қурилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тадбирлар билан бир қаторда демократик янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли

бошқа йўналишларда ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши мумкин¹.” Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги муносабатлар шакли нафақат кўптомонлама, балки *иккитомонлама* асосда ҳам ривожланиб келмоқда. Давлат ташқи сиёсий фаолиятида дунёнинг бир қатор етакчи давлатлари – Россия Федерацияси, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, масалан ГФР билан муносабатлар алоҳида ўринга эга. Шу ўринда ушбу давлатлар билан ҳамкорлик тизимига қисқача тўхталиш мумкин.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида **Россия Федерацияси (РФ)** билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Негаки, Ўзбекистон билан Россия алоқаларининг илдизлари олис ўтмишга бориб тақалади. “Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига, унинг тақдири ва келажагига реал таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳамкорлигимизнинг аҳамияти етарли даражада катта эканлигини ҳолисона эътироф этиш керак”².

Россия мамлакатимиз суверинитети ва мустақиллигини 1992 йил 20 мартда тан олди ва шу кундан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатган. Икки давлат раҳбарлари томонидан 2004 йилнинг 16 июнида стратегик шериклик, 2005 йилнинг 14 ноябрида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзоланиб, ўзаро ҳамкорлик олий босқичга кўтарилди. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро ва ҳукуматлараро турли йўналишлардаги ҳамкорлик масалаларини қамраб олган 150 дан ортиқ ҳужжат қабул килинган.

Ўзбекистон ва Россия халқаро ҳаётнинг глобал муаммолари наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашиш масалаларида ҳамфикр эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

¹Каримов И.А.. НАТОнинг Бухарест саммитида сўзланган нутқ. - апрель, 2008, www.gov.uz

²Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон. 1992. 30,31-бет.

Қолаверса, бу икки мамлакат БМТ, МДХ, ШХТ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар ва интеграцион тизимлар доирасида фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Хозирги кунда Марказий Осиё минтақаси ва унинг атрофида рўй бераётган жараёнлар хавфсизлик ва барқарорликни, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу маънода, иттифоқчилик шартномаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этди. Мазкур шартнома Россия учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Зеро, у иккитомонлама ҳамкорлик негизига таяниб, Россиянинг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади¹.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида ҳам Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. 2007 йилда икки давлат ўртасидаги 1998-2007 йиллар учун мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ниҳоясига етиши муносабати билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни давом эттириш ва уни янада кучайтириш мақсадида 2008-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига имзо чекилди.

Ҳозирда Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 млрд. долл.ни ташкил қилди. Республикамизда Россиянинг 130 га яқин фирма ва компаниялари ўз ваколатхоналарини очган бўлса ҳамкор мамлакатда 350 га яқин қўшма корхона ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида фаолият юритмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри киритилган хориж сармояларининг 40 фоиздан ортиғи Россия Федерацияси улушига тўғри келади.

Ўзбекистон ва Россия муносабатларида етакчи ўринни эгалловчи иқтисодий алоқаларда бошқа соҳалар билан бир қаторда ёқилғи-энергетика йўналишида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда ва катта миқдорда сармоялар

¹Ўзбекистон-Россия: ҳамкорлик уфқлари кенгаймоқда. - январь, 2009, www.region.uz/news.

киритилмоқда. Жумладан, “Газпром”, “Лукойл”, “Союзнефтегаз”, “Стройтрансгаз”, “Волгабурмаш” каби энергетика компаниялари билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланган 2006-2011 йилларда Устюрт ҳудудида геология разведка ишларини олиб бориш дастурига кўра “Газпром” беш йил мобайнида 400 млн. долл. миқдорида сармоя киритмоқда.

Давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг тадрижий самараси ўларок, 2009 йил 23 январида Россия Федерацияси Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янада юқори босқичга кўтарилишига хизмат қилди, дейиш мумкин.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ҳам Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади¹.

Ҳозирги вақтгача икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 150 дан зиёд давлатлараро ва бошқа ҳужжатлар имзоланган.

1991 йилнинг 27 декабрида ХХР Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 2 январида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки мамлакат раҳбарларининг ташрифлари доимий тус олган. Жумладан, Президент М.А.Каримов 1992, 1994, 1999, 2002 ва 2005 йй. Хитойга расмий ташрифлари бўлиб ўтди. Ўз навбатида, ХХР раиси Цзян Хэминь 1996 йилда ва Ху Цзиньтао 2004 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Улар орасида 1999 йил 8 ноябрь кунги “Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Дўстлик ва Ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қўшма декларация муҳим ўринга эга.

Томонлар ўртасида иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 2008 йил якунларига кўра икки мамлакат ўртасида товар айланмаси 1,3 млрд.

долл.га етди, шу жумладан экспорт 257,4 млн. долл.ни, импорт 1.040 млн. долл.ни ташкил қилди¹.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида инвестицион соҳадаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномаларга асосан Ўзбекистонга жами 1,5 млрд. долл. миқдорида Хитой инвестицияларини жалб қилиш назарда тутилган².

ХХР компаниялари билан инвестицион ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланган нефт-газ секторини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борада 2005 йилда “Ўзбекнефтегаз” компанияси ва Хитой миллий нефт-газ корпорацияси (CNPC) ўртасида тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш бўйича ҳажми тахминан 600 млн. долл. бўлган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида Битим имзоланди. 2006 йилда Ўзбекистонда Хитойнинг капитали улуши 100% бўлган “CNPC Silk Road” шўъба компанияси ташкил этилиб, у ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги Бухоро-Хива, Фарғона ва Устюрт нефт-газ минтақаларида бешта инвестицион блокда геология-қидирув ишларини амалга оширишга киришди. Бунда Хитой корпорацияси Ўзбекистондаги геология-қидирув ишларига 5 йил мобайнида 208,5 млн. долл. миқдоридаги маблағларни инвестиция қилади³.

Муҳим лойиҳалардан ҳисобланган Буюк Ипак Йўлини тиклаш стратегияси доирасида Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўлини қуриш ва автомобиль магистралини қайта таъмирлаш лойиҳаси яхши имкониятларга эга. Транзит имкониятларини рўёбга чиқариш истиқболлари ҳам Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли (Қошғар – Ирқиштам – Ош – Андижон – Тошкент) магистрали лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ. Мазкур маршрутни 2010

¹ Узбекско-Китайские отношения – февраль, 2009, www.mfa.uz/modules.php?op=modload&Sections.

² Ўша манба

³ Узбекистан был и будет для Китая дружественным и надежным партнером, декабрь, 2008, www.yilnoma.uz/rus.

йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 1,2-1,5 млрд. долл.ни ташкил этади (бу маблағлар донорлардан олинади).

Бундан ташқари, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон автомобиль йўлини реконструкция қилиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу лойиҳа Қошғар – Иркештам – Саритош – Ош – Андижон – Тошкент маршрути бўйлаб катта ҳудудни ўз ичига олади. Бу ерда йўлнинг 450 км Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш ХХР ва Марказий Осиё мамлакатларига замонавий магистрал автомобиль йўлига эга бўлиш имконини беради. Бу йўл ХХРнинг жанубий маршрути (Хитой – Марказий Осиё – Эрон – Туркия – Европа) ҳисобланади. Бироқ ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун йўлнинг Қирғизистон ҳудуди орқали ўтувчи қисмини реконструкция қилишга маблағлар тақчиллиги муаммоси мавжуд.

Ўзбекистоннинг **Америка Қўшма Штатлари** (АҚШ) билан муносабатлари мамлакатимиз халқаро алоқаларининг алоҳида қисмини ташкил этади¹. Биз АҚШни жаҳон ва минтақа барқарорлигини сақлаб туришда улкан имкониятга эга бўлган мамлакат, халқаро сиёсатнинг муҳим субъекти деб биламиз².

Ўзбекистон Президентининг 2002 йилнинг март ойида АҚШга қилган расмий сафари чоғида Стратегик шериклик ҳамда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ҳамкорликнинг асослари тўғрисидаги Декларация, шунингдек, илмий-техник тадқиқотлар, ядро қуролини тарқатмаслик ҳамда молия соҳасидаги муносабатларга оид талай келишувлар имзоланди. Декларация бу ҳужжатлар

¹ АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олган эди. 1992 йилнинг 19 феврилида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси 1993 йил февралидан фаолият юрита бошлади. Икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 60 дан зиёд ҳужжатлар имзоланган.

²Каримов И.А. Ўзбекистон йўли – жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир. //Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 62-бет.

орасида алоҳида аҳамият касб этади. Сиёсий, иқтисодий, гуманитар, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамда хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни назарда тутган ушбу ҳужжатда стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари расман белгилаб берилган.

Кейинги вақтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳамда

АҚШнинг Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларларга ноҳолис ёндашуви туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда бир оз кескинлик вужудга келди. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда икки давлат ўртасида савдо иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, ҳалқаро терроризм, оммавий қирғин қуролларини тарқатилиши, наркотик воситаларининг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик ишлари давом эттирмоқда¹.

Ўзбекистон сиёсий қарашлардаги тафовутлардан қатъи назар, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришни тақозо этадиган давлатлараро муносабатларни мафкуравийлаштирмаслик тамойилига таянган ҳолда, бу борадаги ишларни изчил амалга оширишга интилмоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг 10 та энг йирик савдо шериклари қаторидан ўрин олган. 2008 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 388 млн.долл., шу жумладан, экспорт - 211 млн.долл., импорт - 176 млн. долл.ни ташкил этди.

Мамлакатимизда Америка инвесторларининг иштирокида 318 та корхона фаолият юритмоқда, 75 таси 100 фоиз хорижий инвестиция асосида тоғ металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, савдо ва хизматлар, шунингдек, алоқа ва коммуникация соҳасида иш олиб бормоқда.

¹ Ўзбекистан-Америка. - январь, 2009, mfa.uz/rus/mej_sotr/uzbekistan_i_strani_mira.

Бундан ташқари 80 та америка компаниялари аккредитация қилинган бўлиб, уларнинг фаолияти экспорт-импорт операцияларини олиб бориш ва консалтинг, юридик ва транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш ҳамда ускуналар билан таъминлаш ва бошқаларга қаратилган.

2007 йилнинг октябридаги келишувга асосан "УзДЭУавто" ва Американинг "General Motors Europe" компанияси билан ўрасида ҳамкорлик ўрнатилди. Ҳозирги кунда "УзДЭУавто" доирасида "GM Ўзбекистон" қўшма корхонаси ташкил этилди ва "Chevrolet" - "Captiva", "Epica" ҳамда "Tacuma" каби автомашиналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши ҳам кенгайиб бормоқда. Мазкур йўналиш Европадаги айрим мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни, шунингдек, бутун Европа қитъасини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон ҳукумати ва Европа Ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида 1992 йил 15 апрелда имзоланган Меморандум асосида Ўзбекистоннинг **Европа Иттифоқи** (ЕИ) билан алоқалари бошланган. 1994 йилнинг 16 ноябрида икки томон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

1995 йилнинг январидан Брюссельда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси элчихонаси бир вақтнинг ўзида мамлакатимизнинг ЕИ вакили вазифаларини ҳам бажармоқда. 2002 йилнинг август ойидан Тошкентда ЕИ "Европа уйи" - техник ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхонаси фаолият олиб бормоқда.

Иккитомонлама муносабатларни тартибга солиб турувчи, Ўзбекистоннинг Европа Ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар билан шериклик алоқаларини ўрнатадиган асосий ҳужжат - 1999 йил 1 июлда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳисобланади.

Ўзбекистон - ЕИ доираси 5та қўшма орган: ҳамкорлик Кенгаши, ҳамкорлик Қўмитаси, парламент ҳамкорлиги Қўмитаси ва 2та қуйи қўмита ташкил этилган. Мазкур органларнинг йиғилишлари одатда ҳар йили навбат билан Тошкент ва Брюссельда ўтказилади, унда иккитомонлама муносабатлар ҳолати муҳокама қилиниб, уларни ривожлантириш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқилади. Йиғилишлар чоғида минтақавий ҳамкорлик ва томонларни қизиқтирган халқаро мавзуларда фикр алмашилади.

Кейинги вақтда иккитомонлама савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб бормоқда. 2007 йил якунида, Ўзбекистоннинг ЕИ давлатлари билан товар айирбошлаш миқдори 1 млрд. 600 млн. долл.ни ташкил этган¹.

Хозирги кунда Ўзбекистонда ЕИ давлатлари инвесторлари сармояси иштирокида ташкил этилган 688 корхона ҳамда ЕИ давлатларининг 272 компаниялари ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

ЕИ Ўзбекистоннинг очик халқаро савдо тизимига тезроқ кириш тарафдоридир. Шу маънода, ЕИ Ўзбекистондаги савдо тизими Халқаро Савдо ташкилоти (ХСТ) қоидалари асосида эркинлаштиришига ҳаракат қилмоқда. ЕИ назарида Ўзбекистоннинг ХСТ аъзолигига қабул қилиниши учун ана шундай тайёргарлик кўриши турли мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг жадаллашувига хизмат қилади. Шу ўринда Европарламент депутати Ж.Аттард-Монтальдонинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: "Бир вақтлар Президент Р.Никсон ҳар бир минтақада унинг тимсоли бўлган мамлакат бор дея, Европа учун Италияни мисол қилиб келтирган эди. Агар Марказий Осиёни ифода этадиган

¹ Ўзбекистан – Е С - январь, 2009, mfa.uz/rus/mej_sotr/uzb_mejd_org

мамлакатни танлаш керак бўлса, мен шубҳасиз, Ўзбекистонни танлаган бўлардим"¹.

Ўзбекистоннинг ЕИ давлатлари ичида **Германия Федератив Республикаси** (ГФР) билан ҳамкорлик муносабатлари алоҳида ўринга эга². Икки давлатнинг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги йилда йилга ривожланиши кузатилмоқда. 2008 йилда икки томоннинг товар айланмаси 474 млн. долл.ни ташкил қилди (2007 йилга нисбатан 24 %га ошди). Икки давлатнинг умумий молиявий ва техник ҳамкорлиги 240 млн. еврини ташкил қилади. Ўзбекистонда Германия инвесторлари иштирокида ташкил қилинган 135 та корхона, шундан 17 таси юз фоизлик немис капитали асосида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналар асосан қуйидаги соҳаларда фаолият олиб бормоқда: енгил саноат, медицина ва фармацевтик воситалар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва пассажир ташиш ва автосервис, илмий ишлаб чиқариш, савдо ва бошқалар.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Германиянинг 57 та фирма ва компаниялари аккредитация қилинган, хусусан, улардан “Сименс”, “Даймлер-Бенц”, “Тиссен-Крупп”, “БАСФ”, “Люфтганза”, “Алкатель”, “Байер”, “Ферросталь” ва бошқалар. Шунингдек, Тошкентда Ландесбанк БерлинАГ, Коммерцбанк АГ ва Дрезднербанк АГ ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулотта ва мухтор элчиси М.Майернинг таъкидлашича, ГФР 1992 йилдан буён Ўзбекистонга техник ва иқтисодий

¹ Ўзбекистан – открытие без иллюзий -июль, 2006, www.jahonnews.uz

² Германия Ўзбекистон мустақиллигини 31.12.1991 йилда тан олди ва 06.03.1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йил Бонн шаҳрида очилди (2001 йилда Берлинда янги бино очилди). Президент И.Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йилларда Германияга қилган ташрифлари ҳамда Германия Федерал Президенти Р.Герцогнинг 1995 йилги, канцлер Г.Шрёдернинг 2002 йилги Ўзбекистонга ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида хизмат қилмоқда.

ҳамкорлик лойиҳалари учун 250 млн. евро атрофида маблағ ажратган. Келгуси йилларда эса яна қўшимча 27 млн. евро ажратиш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Германияга пахта толаси, мис ва ундан ясалган буюмлар, рангли металллар етказиб беради ва турли хизматлар курсатилади. Германиядан Ўзбекистонга асбоб ускуна, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, қора металл ва ундан тайёрланган буюмлар, транспорт воситалари, тиббиёт асбоблари ва бошқалар етказиб берилади. Бундан ташқари, Германиянинг Термизда ҳарбий-транспорт авиаэскадраси фаолият олиб бормоқда. Унинг асосий вазифаси ISAF/NATO аскарларини қайта жойлаштириш, тиббий эвакуация ва фавқулотта ҳолатлар вақтида эвакуация қилишдан иборат.

Хуллас, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар борасида қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ўтган ўн саккиз йил мобайнида ўз ташқи сиёсий фаолиятини халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосланган ҳолда амалга ошириб келмоқда.

Иккинчидан, кўптомонлама ҳамкорликлар тизимида иштирок этиш Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг БМТ, ШХТ, МДХ ва шу каби халқаро сиёсий институтлар доирасида иштирок этиб келаётганлиги аҳамиятлидир.

Учинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий қисми “янги ча стратегия” тамойилига асосланади. Бу тамойил асосида Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари билан иккитомонлама шаклда муносабатларини амалга оширмоқда. Бундай алоқалар ўзининг самаралилиги билан ажралиб туради.

2.2.Чегарадош давлатлар билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг

муҳим йўналиши

Ўзбекистоннинг Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатлари билан тарихий маданияти, анъаналари, тили ва диний қадриятларининг муштараклиги бугунги кунда ҳам ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ушбу давлатлар билан муносабатларида яқин қўшничилик, дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч таъминлари устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Негаки, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан чегарадош давлатларнинг тинчлик ва осойишталигига ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этишига боғлиқдир.

Тарихан ҳар қандай давлат ташқи сиёсатида чегарадош давлатлар омили муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу қанчалик даражада консерватив кўринишга эга бўлмасин, бугунги халқаро муносабатлар учун ҳам хос. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири ҳам чегарадош давлатлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш ҳисобланади.

Қозоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим ҳамкори ҳисобланади¹. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Қозоғистон муносабатлари иккитомонлама ҳаракатда имзоланган 230 дан ортиқ ҳужжатларга асосланади. Шундан, 76 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳаракатдаги халқаро шартномалар, 41 таси икки давлат идоралари ҳаракатидаги халқаро шартномалар, 72 та икки давлат ўртасида Давлат чегараларини делимитация

¹ Давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 23 ноябрида ўрнатилган. Ўзбекистон томонидан 1991 йилдан буён Қозоғистонга 5 маротаба (1997,2001,2002,2006,2008 йй.), Ўзбекистонга эса 4 маротаба (1994,1998 йй. ва 2006 йилда иккита) олий даражадаги ташрифлар уюштирилди.² Узбекско-Казахстанское отношения-февраль, 2009, mfa.uz/rus/mejsotr/uzbekistan_i_strani_miraz
Ўша манба.

қилишга доир шартномалар, 10 та Ўзбекистон ва Қозоғистон областлари ўртасидаги шартномалар, 28 таси бошқа ҳужжатлар.

Давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 913 млн.

долл.ни, ҳусусан, экспорт 460 млн. долл., импорт 453 млн. долл.ни ташкил этди.

Экспортнинг таркиби табиий газ, қора металл, машина ва ускуналар, хизматлар, пахта толаси, кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат.

Импортнинг асосий кўрсаткичлари нефть, қора металл, машина ва ускуналар, ноорганик кимё маҳсулотлари ва олий навли ундан иборат².

Ўзбекистонда Қозоғистон капитали асосида 167 корхона, ҳусусан 90 та қўшма корхона, 40 та 100% ҳорижий капитал асосидаги корхона ва 37 та ҳорижий инвестиция асосидаги корхона мақомига эга бўлмаган корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, метални қайта ишлаш каби соҳаларда фаолият юритмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 54 фирма ва компанияси ваколатхоналари ишлаб турибди³.

Қозоғистонда эса ўзбекистонлик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 94 корхона савдо, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш, қурилиш материаллар ва минерал ўғит ишлаб чиқариш, пахта ва ёғочни қайта ишлаш, уй жиҳозлари ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида жами 900 мингдан зиёд қозоқ диаспораси истиқомат қилади. Ўзбекистонда қозоқ тилида дарс бериладиган 515 та мактаб бор. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ушбу қозоқ мактабларини керакли дарсликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Тошкентда 1992 йилнинг 14 мартидан буён Қозоғистон маданият маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ фаолияти Республика даражасидаги “Нурли

жол” газетаси ва “Дидар” телекўрсатувлари ва радиоэшиттиришларида ёритилиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ва **Қирғизистон Республикалари** ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йил 16 февралда ўрнатилган¹. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатлари иккитомонлама характерда имзоланган 213 та ҳужжатларга асосланади. Шундан, 67 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро характердаги халқаро шартномалар, 32 таси икки давлат идоралари характеридаги халқаро шартномалар, 95 та икки давлат ўртасида Давлат чегараларини делимитация қилишга доир шартномалар, 19 та бошқа ҳужжатлар.

Бизнингча, томонлар ўртасида имзоланган ҳужжатлар кўп бўлмасин, савдо-иқтисодий муносабатлар ҳозирги кунда талаб даражасида эмас ва икки мамлакатнинг салоҳиятига жавоб бермайди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2000-2004 йиллар орталиғида пасайиши кузатилди. 2008 йилнинг якунида товар айирбошлаш ҳажми 264 млн. долл.ни (2007 йилга нисбатан 43 % ошди), хусусан, экспорт 186 млн. долл., импорт 79 млн. долл.ни ташкил этди².

Экспортнинг таркибини энергия манбалари, хизматлар, кимёвий маҳсулотлар ва пласмассалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбобускуналар, қора ва рангли металллар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил этади. Импорт эса қора ва рангли металллар, машина ва асбоб-ускуналар, кимёвий маҳсулотлар ва пласмассалар, энергия манбалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ҳилдаги маҳсулотлардан иборат².

¹ Икки давлат ўртасида 1991 йилдан буён 6 маротаба олий даражадаги ташрифлар уюштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бишкекга 1994 йил январда ва 2000 йил сентябрда, Қирғизистон Республикаси Президенти 1992 йил сентябрда, 1996 йил декабрда, 1998 йил ноябрда ва 2006 йил октябрда расмий ташриф қилди.

² Узбекско-Кыргызские отношения-февраль, 2009, mfa.uz/rus/mejsotr/uzbekistan_i_strani_mira² Ўша манба.

Бугунги кунда гуманитар соҳадаги ўзбек-қирғиз ҳамкорлиги Абадий дўстлик Шартномаси, 1994 йил 16 январдаги маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм ва спорт соҳаларида иккитомонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ҳукуматлараро Битим ва 1996 йил 24 декабрдаги маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга биноан олиб борилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида буюк шоирлар, ёзувчилар, фан арбоблари, маданият ва санъат намояндалари ўртасида учрашувлар уюштириш ва уларнинг юбилейларини нишонлаш одат тусига кирган. Ўзбекистон миллий телевидениеси орқали қирғиз тилида “Айчурек” кўрсатуви намойиш қилинмоқда, радиодан эса “Эламан” ва “Мискиял” эшиттиришлари олиб борилмоқда.

2006 йилнинг 3 октябрида Ўзбекистон ва Қирғизистон президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чоғида 2006-2010 йилларга мўлжалланган иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди. Шунингдек, томонлар муҳим иккитомонлама ҳужжатлар пакетини имзолаб, давлат чегараларининг баҳсли ҳудудларини делимитация қилиш тўғрисида келишиб олдилар. Бундан ташқари, учрашув чоғида юқори даражада илк бор Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қирғизлар ва Қирғизистон ҳудудида яшаб келаётган ўзбеклар ҳақидаги масала кўтарилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 20 октябрида ўрнатилган. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик 2000 йил 15 июнда имзоланган Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига биноан амалга оширилмоқда. Давлатлар ўртасида иккитомонлама ҳаракатдаги жами 154 та ҳужжатлар имзоланган. Шундан, 52 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳаракатдаги халқаро шартномалар, 29 таси икки давлат идоралари ҳаракатидаги халқаро

шартномалар, 49 та икки давлат ўртасида Давлат чегараларини делимитация қилишга доир шартномалар, 24 таси бошқа ҳужжатлар.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар эса 1996 йил 10 январда Тошкентда имзоланган эркин савдо тўғрисидаги Битимга асосан амалга оширилади. Жумладан, давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилнинг якунида товар айирбошлаш ҳажми 178 млн. долл.ни, хусусан, экспорт 157 млн. долл., импорт 21 млн. долл.ни ташкил этди. Экспортнинг таркибини асосан газ, нефть, хизматлар (транспорт, маркетинг, коммуникацион), қурилиш материаллари, қора металллар, озиқ-овқат маҳсулотларини ташкил этади. Импорт эса электроэнергия, қурилиш материаллари, механик ускуналар, хизматлардан (транспорт ва коммуникацион) иборат. Ўзбекистонда тожик капитали асосидаги 19 та корхона фаолият кўрсатиб, унинг 17 таси қўшма корхонадир. 100% тожик инвестицияси асосидаги 2 та корхона мавжуд.

Шунингдек, 7 та тожик фирмаси ва компанияларининг ваколатхонаси ишлаб турибди¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги Абадий дўстлик Шартномаси, 1997 йил 10 январаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Битим ва 1998 йил 4 январдаги маданият ва гуманитар соҳадаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга биноан олиб борилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари давлат раҳбарлари томонидан 2002 йил 5 октябрда ўзбек-тожик давлат чегаралари тўғрисидаги Битимни имзолаган эди. Жорий йилнинг 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мазкур Битим юзасидан ратификацион ёрлиқлар

¹Ўзбекско-Таджикские отношения-февраль, 2009, mfa.uz/rus/mejsotr/uzbekistan_i_strani_mira

алмашиш бўйича баённома имзоланди. Унга кўра давлатнинг ҳукуматлараро комиссияси 2009 йилнинг якунига қадар чегараларни делимитация ва демаркация қилиши белгиланди.

Туркменистон Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги чегарадош давлатлар омилида асосий давлатлардан бири ҳисобланади¹. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркменистон муносабатлари иккитомонлама характерда имзоланган 108 та ҳужжатларга асосланади. Шундан, 62 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро характердаги халқаро шартномалар, 17 таси икки давлат идоралари характердаги халқаро шартномалар, 15 та икки давлат ўртасида Давлат чегараларини делимитация қилишга доир шартномалар, 14 таси бошқа ҳужжатлар.

2008 йил якунига кўра, иккитомонлама савдо айланмаси ўтган йилгига нисбатан қарийб 50 фоизга ўсиб, 132,3 млн. долл.ни ташкил этди. Бироқ бу рақам ҳали Ўзбекистон ва Туркменистон имкониятлари даражасида эмас.

Ўзбекистон экспортининг асосини маъданли ўғитлар, транспорт коммуникация хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, қурилиш материаллари, тамаки маҳсулотлари, мевалар, қора металллар, мой олинадиган ўсимликлар ташкил этади. Туркменистондан эса Ўзбекистонга пропилен полимерлари, транспорт ва коммуникация хизматлари, маъданли моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади².

Ўзбекистонда туркман капитали асосида 2 та корхона фаолият кўрсатади. Унинг бири қўшма корхона бўлиб, бири 100% ҳорижий капитал асосида фаолият

¹ Давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 20 октябрида ўрнатилган. Икки давлат ўртасида 1991 йилдан буён 7 мартаба олий даражадаги ташрифлар уюштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996, 2004, 2008 йилларда, Туркменистон Республикаси Президентининг 1996, 2000, 2007 ва 2009 йиллар расмий ташрифлари бўлиб ўтди.

² Ўзбекистон-Туркменистон: ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда;
www.region.uz/news. Ўша манба.

кўрсатади. Туркменистонда эса Ўзбекистоннинг 4 та корхонаси фаолият олиб бормоқда.

Томонларнинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, томонлар газ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга. Газ ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринларни эгалловчи мамлакатларимиз дунё бозорига хом ашёнинг ишончли тарзда етказиб берилишини таъминловчи янги газ қувурларини қуришдан бирдек манфаатдор. Ўзбекистон “Туркменистон-Хитой” йўналишидаги газ қувурининг барпо этилишини қўллаб-қувватлайди ва ушбу лойиҳанинг амалга оширилишида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, мазкур тармоқнинг мамлакатимиз ҳудудидан ўтадиган қисмини вақтида қуриб битказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинган².

Мамлакатларимиз транспорт ва транзит юк ташиш соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга. Қулай жўғрофий жойлашув эвазига Ўзбекистон ва Туркменистон Осиё билан Европа, Шимол билан Жануб ўртасидаги халқаро савдони ривожлантириш бўйича барча имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган икки мамлакатга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 млн. тоннага етмоқда. Мамлакатларнинг бир-бирига уланган автомобил ва темир йўл тармоқлари иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош трансмиллий транспорт коридорларини шакллантириб, улар Марказий Осиё давлатларини дунёнинг деярли барча асосий бозорлари билан боғлайди.

Шунингдек, мамлакатлар транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиб, янги ва иқтисодий жиҳатдан қулай йўналишларни ишлаб чиқмоқда ва ўзлаштирмоқда. Уларнинг орасида истиқболларидан бири Европа, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ бозорларига

чиқиш имконини берувчи “Навоий-Туркманбоши-Боку-Карс” транспорт йўналиши ҳисобланади. Бугун Ўзбекистон Туркменистоннинг Серахс шаҳри орқали Эронга чиқади ва ўз маҳсулотларининг бир қисмини шу йўналиш орқали дунё бозорига экспорт қилади.

Туркменистон Президенти Г.Бердимухамедовнинг 2009 йилги ташрифи давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, ташриф якунида икки давлат раҳбарлари Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Умуман ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташини давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, жинойтчиликка қарши курашишда ҳамкорлик, давлатлар ҳудудларида ғайриқонуний тарзда ҳозир бўлган шахсларни қабул қилиш-топшириш, Ўзбекистон-Туркменистон давлат чегарасида чегара комиссарларининг фаолияти тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Туркменистон Давлат чегара хизмати ўртасида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Туркменистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга протокол, “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан Туркменистон Давлат туризм спорт ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йилнинг октябр ойида ўрнатилган. 1982 йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатиб келган Афғонистон бош консуллиги 1992 йилнинг октябрида мазкур давлатнинг элчихонасига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг консуллик ваколатхотнаси эса 1992 йилда Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган эди. Афғонистонда жанговор ҳаракатлар бошланиши ҳамда

Толибон гуруҳининг ҳукумат тепасига келиши (1996 йил) натижасида фаолияти тўхтатилган мазкур консуллик ваколатхонаси 2002 йилнинг 15 январь куни қайтадан очилди. 2002 йилнинг август ойида Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси ўз фаолиятини бошлади¹.

2002-2008 йиллар давомида икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид савдо-иқтисодий, темир йўл транспорти, транзит ва транспорт, энергетика ва бошқаларни ўз ичига олган жами 21 та ҳужжат имзоланди. Булардан, Ўзбекистон 2002 йилнинг 22 декабр куни “Яхши қўшничилик тўғрисида” ги Кобул декларацияси ҳамда 2003 йилнинг 23 сентябрида Дубай шаҳрида Кобул декларацияси имзочилари иштирокида имзоланган минтақада транзит ва ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш борасидаги ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга².

Маълумки, Ўзбекистон, умуман Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминланиши кўп жаҳатдан Афғонистон ҳудудида сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланиши, шунингдек, иқтисодий ҳаётнинг тикланишига боғлиқ. Шунингдек, И.Каримов НАТОнинг Бухарест саммитида сўзлаган нутқида, 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган ушбу гуруҳ доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклаш таклифи билан чиқди. Бу музокараларда НАТО ваколатхонаси иштирок этишини ҳисобга олиб, “6+2” гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш ташаббусини илгари сурди. Ҳозирда мазкур таклифни, қатор давлатлар қўллаб қувватламоқда.

Давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 533 млн.

¹ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар-Т.: Академия, 2005. 225-бет. ² Ўша манба. 225-бет.

долл.ни, шу жумладан экспорт ҳажми 530 млн., импорт ҳажми эса 3 млн. долл.ни ташкил қилди. Афғонистонга қилинадиган экспортнинг асосий қисми электр энергияси, нефть, қора металл, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар ва бошқалардан иборат. Импортнинг асосий қисмини қуруқ ва ҳўл мевалар ташкил этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Афғонистон ишбилармон доиралари иштирокида ташкил этган 122 та корхона рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улардан 39 таси 100 фоизлик афғон сармояси ҳисобига фаолият кўрсатади¹.

Мутахассислар фикрича, икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларда электр энергиясини узатиш ҳамда транспорт-коммуникация тизимини ишга тушириш масалалари муҳим ўринни эгаллаши мумкин.

“Ўзбекэнерго” Давлат акционерлик компанияси (ДАК) маълумотларига кўра, 2004 йилда 2,5 млн. кВт.соат, 2005 йилда 150 млн. кВт.соат, 2006 йилда 175 млн.кВт.соат, 2007 йилда эса 613 млн.кВт.соат электроэнергия экспорт қилинган. Давлатлар ўртасидаги 2008 йил 21-23 апрель кунги Келишувга асосан, Хайратон - Пули Хумри - Кобул йўналишида электр узатиш тармоқлари қурилишининг тугаши билан унинг ҳажми 1,3 млрд.кВт.соатга етказилиши мумкин. Шунингдек, 2009 йилнинг январида Афғонистон томонидан Кобулга борадиган электр узатиш линияси ишга туширилди ва шаҳарнинг баъзи подстанциялари Ўзбекистоннинг электр энергияси билан таъминланмоқда. 2008 йилда Ўзбекистонга Афғонистон энергетика ва сув хўжалиги вазирлиги бошчилигидаги делегация икки маротаба ташриф буюриб, Сурхондарё Хайратонни боғлайдиган (узунлиги 43 км.) электр узатиш линиясини қурилиши муҳокама қилинди. У ишга турилиши билан

¹ Афганистан и Узбекистан: экономическое сотрудничество – март, 2009 www.cps.uz/rus/news

Афғонистонга 2,6 млрд.кВт.соат ҳажмида электр энергияси етказиб бериш имкониятига эга бўлади¹.

“Ўзбекэнерго” ДАК 2008 йилнинг декабридан бошлаб қиймати 93 млн.

долл. бўлган “Ғузор-Сурхон” юқори қувватли линиясини ишга туширишга киришди (узунлиги 197 км). Мазкур лойиҳа ишга туширилиши билан Афғонистонга экспорт қилинадиган электр энергиясининг ҳажми янада ортади².

Ҳозирги вақтда узунлиги қарийб 2400 км. ва тўрт қисмдан иборат Кобул – Мозори – Шариф – Шибирғон – Маймана – Хирот – Қандаҳор – Кобул автомобиль йўлини (“ҳалқа йўли”) қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг биринчи ва иккинчи қисмлари бошқа давлатларга қарашли компаниялар томонидан, учинчи ва тўртинчи қисмлари эса “Ўзавтойўл” ДАК томонидан қурилмоқда. Булар: Пули Хумри – Балх (210 км.) ва Ноибобод – Хайратон (55 км.) автомобиль йўлини реконструкция қилиш; Балх-Андхой (203 км.) автомобиль йўлини реконструкция қилиш; Хайратон – Мозори-Шариф (80 км.) темир йўлини қуриш ва Термиз – Хайратон (21 км.) темир йўлини таъмирлаш³.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон томонидан Мозори – Шариф – Кобул йўналишида 11 та кўприк қуриб битказилган. Хусусан, Афғонистоннинг Камгар компанияси ва Ўзбекистоннинг “Бегансой” йўл-қурилиши фирмасининг келишувга кўра, денгиз сатҳидан 3300 м. баланд, 72 м. узунликдаги кўприк ишга туширилган. Ҳозирга қадар ушбу компаниялар қурган кўприкларнинг узунлиги 1000 м.га етмоқда. Буларга кетадиган хом-ашёлар эса Ўзбекистон томонидан етказилмоқда.

¹Р.Нигматулин. Делегация “Афганистан телеком” провела переговоры в “Узбектелеком”. УзАСИ // Бизнесвестник Востока, 2009, №7-С.1.

² Ўша манба.

³ Автомобильные дороги Афганистана. – январь, 2009, www.Centralasia.ru

2008 йилнинг ноябрь ойида Осиё тараққиёт банки воситачилигида икки давлат ўртасида темир йўл қурилишини ривожлантириш юзасидан меморандум имзоланди. Бунда узунлиги 2000 км. бўлган Мозори-Шариф-Кобул-ҚандаҳорХирот-Мозори-Шариф (“ҳалқа йўли”) темир йўлини қурилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳанинг қиймати 3 млрд. долл.ни ташкил этади¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати томонидан Афғонистонга ўтказиладиган юклар учун транзит тўловларида қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, Термиздан Афғонистонга ўтадиган юклар транспорт-экспедиторлик ва ташиб бериш ҳамда қўшимча қиймат солиқларидан озод қилинган. Шунингдек, ўтказиладиган ҳар бир вагондан ёки 40 тоннали контейнердан 180 долл., 20 тоннадан иборат контейнерларга 90 долл. миқдорида транзит тўлови белгиланган. Бошқа чегарадош давлатлар учун эса ушбу тўловлар юқори белгиланган².

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ташқи сиёсатида чегарадош давлатлар омили муҳим ўринга эга. Бироқ минтақа давлатлари билан муносабатлар тизими конструктив жиҳатлар билан биргаликда, муаммоли ҳолатларнинг (чегара масаласи, сув ресурсларидан фойдаланиш ва б.) мавжудлиги билан характерланади. Табиийки, ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон ўз позициясига эга бўлиб, улар давлат ташқи сиёсатида ҳам акс этиб келмоқда. Бу жиҳатдан жорий йилнинг 28 апрель куни Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувини ва унда Ўзбекистон томонидан ўртага ташланган масалаларни айтиб ўтиш мумкин. Қолаверса, мазкур учрашув натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ташқи сиёсати манфаатли ҳамкорликнинг очиқ-ойдинлик, томонлар

¹www.af@afghanistan.ru.- декабр, 2008.

²*Верхотуров Д.* Промышленное развитие Афганистана. часть 1. -ноябрь, 2008, [www. Афганистан. Ру](http://www.Афганистан.Ру).

манфаатларини ҳурмат қилиш ва бошқа шу каби тамойилларга асосланиши орқали умумминтақа манфаатларига

ҳам қаратилганлиги билан ажралиб туради. Негаки, Марказий Осиё халқлари турмушини яхшилаш ва мавжуд инфраструктурани янада ривожлантириш учун аввало минтақа давлатлари ўртасида “... мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлиги...”, бунга эриша олмаслик оқибатида “... мамалакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин”¹.

Хуллас, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кундан эътиборан чегарадош давлатлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳамда ўзаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббуслари оддий ташвиқот эмас, балки, ҳозирги замон талабларини чуқур англаган ҳолда мамлакат раҳбариятининг ирода ва интилишлари ифодасидир. Бу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиё ва Афғонистонда ягона хавфсизлик тизимини яратишга, интеграция жараёнларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

2.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг истиқболлари

Давлатимиз ташқи сиёсатининг истиқболлари борасида фикр юритишдан олдин қисқача унинг сиёсий-ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтиш ўринли. Негаки, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг Олмаота учрашувида сўзлаган нутқи. – “Халқ сўзи” газетаси, 30 апрель 2009 йил.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ифода этилган. Улар муҳим ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. Бизнингча, мамлакат суверенитети – миллий мафкура ва миллий манфаатларга таянган ҳолда ташқи ва ички сиёсат соҳасида қабул қилинаётган қарорлар асосини ташкил этувчи етакчи тамойил сифатида намоён бўлади. Бинобарин, суверенитет олий қадрият, миллий давлатчиликнинг асоси сифатида либерал-демократик жамият талаблари орқали англанади, талқин этилади, шу билан бирга, суверенитет халқаро муносабатлардаги интеграцион жараёнларга иштирок этмасликка, алоҳидалик (изоляция) сиёсатини амалга ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларини бажаришдан бош тортиш, умумдунёвий ва минтақавий нуқтаи назардан хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлик манфаатларини инкор этишга асос бўла олмайди.

Юқоридаги параграфларда қайд этилганидек, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида” ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, низоларни тенг, музокара йўли билан ҳал этиш, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа давлатлараро тузилмаларига аъзо бўлиш, шунингдек, давлат ва халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиқиб бундай иттифоқ ва тузилмалардан чиқиши мумкин.

Маълумки, ушбу тамойил ва меъёрлар халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил этади. Улар табиати жиҳатидан универсал, умумэътироф этилган тамойиллардир. Бу уларнинг халқаро ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади ҳамда БМТ Уставида мажбурий ҳуқуқий меъёр сифатида эътироф этилади. Шу боис халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойиллари ва халқаро шартномалар ушбу мажбурий меъёрларга зид келмаслиги керак.

Табиийки, Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсий фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ана шу меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда амалга оширади. Халқаро ҳуқуқнинг меъёр ва тамойилларига амал қилиш ҳар қандай мамлакат ташқи сиёсий имкониятларини кучайтиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг пишиқ-пухта ўйланган, изчиллик билан амалга ошираётган ташқи сиёсати мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тизимига уйғунлашиши жаҳон хўжалик алоқалари, ялпи хавфсизликнинг глобал ва минтақавий тизимларининг интеграциялашишига хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ижтимоий тараққиётининг асосий ички масалаларини ҳал этиш, ташқи сиёсатда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр, очик ва тинчликсевар мамлакат тимсолини шакллантиради.

Демак, Ўзбекистон ташқи сиёсий амалиётининг конституцион асослари қуйидаги тамойиллар асосида шаклланганидан далолат беради:

- халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллар устуворлиги;
- Марказий Осиё минтақасида ядросиз ҳудудни сақлаб туриш ва кенгайтириш;
- ҳарбий блок ва иттифоқларга киришдан бош тортиш;
- ташқи сиёсатда очиклик, мафкуравий қарашларга тобе бўлишдан воз кечиш;

- тўлиқ ишонч асосида иккитомонлама ҳамда кўптомонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Бугунги кунда ушбу амалий ишлар натижасида Ўзбекистон мустақиллигини дунёнинг 170 мамлакати тан олди, уларнинг 120 дан ортиғи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 40 дан зиёд элчихоналар, икки нафар дипломатик мақомга эга бўлган савдо ваколатхоналари, 11 та халқаро ташкилотлар ва 17 та халқаро ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Ўз навбатида дунёнинг 42 мамлакатада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда¹.

Давлат ташқи сиёсатининг истиқболлари борасида гапирганда, Ўзбекистонга нисбатан ташқи экспертларнинг фикрларини келтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки кейинги вақтларда Ўзбекистон халқаро сиёсий ҳамда эксперт доираларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Кўплаб хорижий таҳлилий марказлар Марказий Осиё минтақаси давлатларининг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётининг турли жиҳатларига катта қизиқиш билан қарамоқда. Масалан, Ж.Хопкинс университети Марказий Осиё ва Кавказ институти қошида Буюк Ипак йўлини ўрганиш Дастури доирасида тайёрланган «Марказий Осиё иқтисодиёти: 2015 йилгача картаграфия истиқболлари» маърузасини келтириш мумкин.

Ушбу тадқиқотда Марказий Осиё минтақаси давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари ва ташқи иқтисодий сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли истиқболлари таҳлил этилади. Бу ўринда минтақа давлатлари 2 гуруҳга: нефть ва газни экспорт қилувчи (Ўзбекистон,

¹ Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2008. 137-бет.

Қозоғистон, Туркменистон) ҳамда саноат тузилмасини деверсификация қилишга интилаётган ишлаб чиқарувчи мамлакатларга бўлинади.

Марказий Осиё давлатлари саноати кўрсаткичлари ва имкониятлари қиёсланганда, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) энг юқори реал ўсиш миқдори Ўзбекистонда кузатилади. Қисқа муддатли истиқболда у йиллик 7%ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ўсиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш хомашёвий қарамликка барҳам берилганлиги билан белгиланади.

Мутахассислар яқин келажакда Марказий Осиё давлатлари хомашё ва саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортишини тахмин қилмоқда. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми 588 долл.ни ташкил этади. Хомашё экспорти ҳажмининг кўпайиши (асосан энергия захиралари эвазига) 1-гурух мамлакатлари, саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортиши 2-гурух мамлакатлари томонидан таъминланмоқда. Чунончи, 2002-2005 йилларда Ўзбекистондан саноат маҳсулотлари экспорти кескин ортиши (йилига ўртача 20% миқдорида) кутилмоқда.

Хуллас, ушбу Дастур доирасида билдирилган фикрлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси билан ташқи сиёсий алоқаларни ривожлантиришдан дунёнинг кўплаб давлатлари, биринчи навбатда Ғарб давлатлари манфаатдор. Бу эса давлат ташқи сиёсатида истиқболли ҳамкорликларнинг юзага келишидан далолат беради.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор давлатлари Ўзбекистон билан алоқаларини янги бир босқичга кўтарди дейиш мумкин. Бу жиҳатдан, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Бразилияга қилган расмий визитини келтириш ўринли.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик кўп асрлардан буён давом этиб келмоқда ва вақт синовларидан ўтган¹. Ўтган давр мобайнида давлатлар ўртасида саккизта олий даражадаги учрашув ўтказилди. Стратегик шерикчилик тўғрисидаги қўшма декларация Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йилнинг март ойида қилган давлат ташрифининг муҳим натижаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2008 йил февраль ойида ўтказилган инаугурация маросимидаги иштироки ҳамда 2008 йилнинг августида Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари доирасидаги учрашуви икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч Океани минтақасидаги илғор савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорларидан биридир. 2008 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 123,7 фоизга ортиб, 1.06 млрд. долл.ни ташкил этди. Ўзбекистон экспортини пахта толаси, транспорт, сайёҳлик, коммуникация хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар ташкил этади. Импортни эса, машина ва жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса, қора металллар, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, транспорт, консультация ва коммуникация хизматлари, озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва бошқалар ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида 351 та корхона мавжуд бўлиб, улардан 57 таси 100 фоиз Корея маблағига асосланган.

Корея Республикаси ҳукуматининг Корейс халқаро ҳамкорлик агентлиги

¹ Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, икки томонлама муносабатларда янги давр бошланди. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этди. Дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 29 январида ўрнатилди.

(КОИКА) орқали техник ёрдам доирасида биргаликдаги фаолият муваффақиятли ривожланмоқда. Бугунги кунда КОИКА йўналиши бўйича мамлакат вазирлик ва муассасаларнинг 900 нафарга яқин ходими Корея Республикасида амалиёт ўтаб келишди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси иккитомонлама кўптармоқли ҳамкорликни тараққий эттириш тарафдоридир. Шу йилнинг май ойида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга амалга ошираётган ушбу ташрифи икки мамлакат ўртасидаги бундай алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Бразилия билан алоқаларини ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари сифатида қайд этиш мумкин. БМТ таснифига кўра, Бразилия “янги саноатлашган давлатлар” гуруҳига киради.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмига кўра, у Лотин Америкасида биринчи ўринда туради, саноат ишлаб чиқариш ҳажмига кўра эса, дунёдаги энг йирик ўнта мамлакат қаторига мансуб¹.

Бразилия Федератив Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этган. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1993 йил 30 апрелда ўрнатилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Бразилия икки томонлама муносабатларининг сезиларли даражада фаоллашгани кузатилмоқда ва икки мамлакат ўртасида юқори даражадаги делегациялар алмашинуви амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда икки мамлакат ташқи сиёсий маҳкамаларининг сиёсий маслаҳатлашувлари катта

¹ Ўзбекистон – Бразилия: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари. – “Халқ сўзи” газетаси, 26 май 2009 йил.

аҳамиятга эга. Ана шундай маслаҳатлашувларнинг биринчиси 2007 йил август ойида Бразилияда бўлиб ўтди.

2008 йил сентябрь ойида Ўзбекистон – Бразилия сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раундини ўтказиш мақсадида Бразилия Ташқи алоқалар вазирлиги бош котибининг ўринбосари Р.Жагуарибе раҳбарлигидаги делегация Тошкентга келди.

Ўзбекистон ва Бразилия халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Бразилия Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага аъзо бўлиб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудудни яратиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб қувватлайди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги мамлакатимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолайди.

Айтиш жоизки, ўсиб бораётган дунё глобаллашуви шароитида Бразилия ўзининг ташқи сиёсатида “Осиё йўналиши” ни фаоллаштиришга интилмоқда. Бу борада Марказий Осиё улкан геоиқтисодий ва геосиёсий аҳамияти билан Бразилия учун “устувор эътибор қаратилган минтақа”, Ўзбекистон эса, минтақадаги мулоқотлар бўйича етакчи ҳамкор сифатида қаралади¹.

Иккитомонлама савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўрилмоқда. Шу билан бирга, ўзаро товар айланмасининг бугунги даражасини янада оширишга иккала мамлакатнинг мавжуд салоҳияти етарли. 2008 йил якунларига кўра, Бразилия ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айланмаси 121,3 млн. долл.ни ташкил этди².

¹ Ўзбекистон – Бразилия: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истикболлари. – “Халқ сўзи” газетаси, 26 май 2009 йил.

² Ўша манба.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2009 йил 27-29 май кунлари Бразилия Федератив Республикасига амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар ҳамкорликнинг янги сифат даражасига кўтарилиши учун хизмат қилади.

Умуман, юқорида билдирилган мулоҳазалар асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг истиқболлари борасида қуйидаги фикрларни айтиш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсий муносабатларида бир давлат билан яқинлашиши бошқа бир давлат билан узоқлашишини англамайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли, илғор мамлакатлари билан ўзаро тенглик ва дўстлик тамойилларига асосланган ҳамкорлик ришталарини ўрнатган ва уни янада ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб, бу ёндашув давлатнинг истиқболдаги фаолиятига ҳам тегишли; иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсати етарли сиёсий-

ҳуқуқий асосларга эга. Давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятига миллий қонунчилигимиз ҳамда халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос сифатида қаралади;

учинчидан, давлатимиз ташқи сиёсий фаолияти ўзининг тарихий эволюцион тараққиётига эга. Агар мустақилликнинг дастлабки йиллари, яъни 1991-1993 йиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатида Шарқ давлатлари билан ҳамкорлик масаласи устувор бўлган бўлса, 1994 йилдан бошлаб давлат ташқи муносабатлари нафақат Шарқ, балки дунёнинг барча минтақаларидаги, аввало Ғарбдаги технологик жиҳатдан тараққий этган давлатлар билан ҳамкорликларни олиб боришга катта эътибор берилмоқда; тўртинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида амалга оширилаётган йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар мамлакат ташқи

сиёсатининг узоқ муддатли мақсадлари сифатида республикамизнинг мустақил давлат тимсолида янада такомиллашиши ва ривожланишини белгилаб бермоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатида кўптомонлама ва иккитомонлама ҳамкорлик омилига устувор йўналиш сифатида қаралиш орқали жаҳон ҳамжамиятига муносиб даражада кириб бориш вазифаси сўзсиз шарт қилиб қўйилган. Бу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг кейинги вақтда Жанубий Корея, Бразилия сингари давлатлар билан муносабатлари фикримизга мисол бўлади; бешинчидан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи давлатлар, чегарадош мамалакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва улар билан барча соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги кўптомонлама ҳамкорлик фаолияти унинг истикболдаги тараққиёти учун муҳим ижобий роль ўйнаши табиий.

ХУЛОСА

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланди. Ўтган 24 йил тарих учун қисқа давр бўлиши мумкин, бироқ бу давр оралиғида давлатимиз ўз ташқи сиёсатининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратди, давлатлараро муносабатлардаги тамойиллар ҳамда унинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлашга, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатишга хизмат қилувчи ташқи сиёсат йўналишларини белгилаб олди. Бу жиҳатдан айтиш мумкинки, давлат ташқи сиёсати учун асос бўлувчи битта тамойил, у ҳам бўлса Ўзбекистон Республикаси манфаатидир.

Тадқиқот хотимасида қуйидаги йўналишлар бўйича фикр-мулоҳазаларни умумлаштиришни лозим топдик.

I. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини ўрганишнинг назарий ва сиёсий асослари борасида:

биринчидан, ташқи сиёсат давлат учун қотиб қолган ҳолатни англамайди. Шунинг учун ҳам ташқи сиёсат аввало мулоқот демакдир. Ташқи сиёсат давлатнинг ўзгарувчан омилларига мансуб. Ҳар қандай мулоқот ва ўзгарувчанлик давлат учун унинг манфаатлари асосида амалга оширилади, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳам;

иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсати етарли сиёсий-ҳуқуқий асосларга эга. Давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятига миллий қонунчилигимиз ҳамда халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос сифатида қаралади;

учинчидан, бугун жаҳонда кечаётган интеграцион жараёнлар тадқиқотчилар билан бирга, бир қатор етакчи давлатлар, сиёсатчилар ва иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Бунга асосий сабаб сифатида жаҳонда катта салоҳиятга эга бўлган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ўзаро жипслашиш ҳаракатлари, дунё хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллارнинг юзага келишини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик қоидаларига асосланган. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида жаҳон ҳамжамиятининг ялпи, умумий манфаатлари ҳамда миллий манфаатларнинг уйғунлиги, умумбашарий ва миллий кадриятлар мутаносиблигига катта эътибор бериб келмоқда;

тўртинчидан, давлатимиз ташқи сиёсий фаолияти ўзининг тарихий эволюцион тараққиётига эга. Агар мустақилликнинг дастлабки йиллари 1991-1993 йиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатида Шарқ давлатлари билан ҳамкорлик масаласи устувор бўлган бўлса, 1994 йилдан бошлаб давлат ташқи муносабатлари нафақат Шарқ, балки дунёнинг барча минтақаларидаги, аввало Ғарбдаги технологик

жиҳатдан тараққий этган давлатлар билан ҳамкорликларни олиб боришга катта эътибор берилмоқда.

II. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг ўзига хослиги борасида:

1) Ўзбекистон ташқи сиёсатини бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка асосланган тарзда олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли, илғор мамлакатлари билан ўзаро тенглик ва дўстлик тамойилларига асосланган ҳамкорлик ришталарини ўрнатган ва уни янада ривожлантиришдан манфаатдор;

2) ҳозирги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатида узоқ муддатли фаолият олиб борадиган ва реал амалий ёрдам кўрсата оладиган стратегик ҳамкорларни орттириш мақсадида ҳаракат қилмоқда. Айнан шундай ҳамкорлар давлат хавфсизлигини таъминлашда ва барқарор ривожланиш динамикасига эришишда муҳим роль ўйнайдилар;

3) Ўзбекистон ташқи сиёсатида амалга оширилаётган йирик ижтимоийсиёсий ўзгаришлар мамлакат ташқи сиёсатининг узоқ муддатли мақсадлари сифатида республикамизнинг мустақил давлат тимсолида янада такомиллашиши ва ривожланишини белгилаб бормоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатида кўптомонлама ва иккитомонлама ҳамкорлик омилига устувор йўналиш сифатида қаралиш орқали жаҳон ҳамжамиятига муносиб даражада кириб бориш вазифаси сўзсиз шарт қилиб қўйилган, десак адашмаймиз;

4) бугунги кунда Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи давлатлар, чегарадош мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва улар билан барча соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги кўптомонлама ҳамкорлик фаолияти унинг истиқболдаги тараққиёти учун муҳим ижобий роль ўйнаши табиий. Шундай

бўлган тақдирдагина Ўзбекистоннинг хавфсизлиги таъминланади ва иқтисодий ривожланиш суратлари ортиб бораверади;

5) Ўзбекистоннинг БМТ, ШХТ, МДХ ва НАТО доирасида кўптомонлама ҳамкорлиги иқтисодий, маданий, коммуникация, транзит алоқаларини тиклаш, экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш, минтақада келиб чиқиши мумкин бўлган конфликтларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш имконини яратади. Бу эса Ўзбекистон ва минтақа учун кўптомонлама ҳамкорликнинг нечоғли зарурлигини кўрсатмоқда.

6) Мамлакатимиз учун Европанинг иқтисоди ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан турли соҳалар бўйича алоқалари маълум маънода дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳам ўзаро тенгилик асосидаги муносабатларини ўрнатишга имкониятлар доирасини кенгайтиради.

III. Ушбу хулосаларга таянган ҳолда қуйидаги таклифларни

келтиришни лозим топдик:

- Интеграциялашув омили Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида муҳим йўналишлардан бири экан, аввало, бу жараёни чегарадош давлатлар билан ўзаро манфаатлар мувофиқлиги асосида йўлга қўйиши лозим. Негаки, дунёнинг ҳар қандай давлати (ривожланишининг қандай даражадалигидан қатъий назар) ташқи сиёсатида чегарадош давлатларга устувор йўналишда қаралиши ҳаммага маълум;

- фикримизча, Марказий Осиё минтақасида интеграцион жараёнларнинг тадрижий таракқиёти кўп жиҳатдан Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги конструктив муносабатларга боғлиқ. Бу жиҳатдан иккала давлат ўртасида баъзи келишмовчиликларга (масалан, Марказий Осиё иттифоқини тузиш

масаласида) чек қўйилиши минтақанинг умумий тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши мумкин;

- Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларнинг бугунги ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар, давлатимиз томонидан чегарадош давлатлар билан ҳамкорликнинг истиқболлари учун “Ўзбекистон Республикасининг чегарадош давлатларга нисбатан ташқи сиёсий стратегияси” ни ишлаб чиқиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
- 2.
3. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги Қонуни. -Т.: “Ўзбекистон”, 1991.
4. “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” ги Қонуни-Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
5. “Мудофаа тўғрисида” ги Қонун. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
6. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
7. Олий Мажлисининг 1995 йил 30 август Қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси”.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т., “Ўзбекистон”, 1996.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. “Халқ сўзи”, 2005 йил, 29 январ.
12. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й

13. Каримов И.А. Президент И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
15. Каримов И. А. Ўзбекистон йўли – жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
16. Каримов И. А. Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
17. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.- Т.: Ўзбекистон, 1996.
18. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.:Ўзбекистон, 1996.

III. Монография ва рисолалар

12. Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов – Т.: “Шарқ”, 2005;
13. Жумаев Р., Убайдуллаев У., Хўжанов Б. Конфликтология асослари. –Т.: “Академия”, 2000. -207 б.; ўша муаллифлар Конфликтлар ечимида инфор­мацион воситаларнинг аҳамияти. "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари". 2000.
14. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: “Академия”, 2007.
15. Парамонов В. К анализу роли и место США в геополитической ситуации в Центральной Азии. Ўзбекистонда политология. –Т.: “Шарқ”, 2002.
16. Мўминов М.М. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти-Т.: “Академия”, 2005.
17. Носиров Ў. Президент Ислом Каримов: Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002.
18. Хакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2001.

19. Жўраев Н. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида-Т.: “Академия”, 2005.

IV. Илмий мақолалар

20. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ// Халқ сўзи. 2006 йил 25 феврал.

21. Абдуразаков А. Торгово-экономические аспекты центральноазиатской интеграции // “Экономическое обозрение”, №2, 2005 года.

22. Толипов Ф. Сравнительный анализ интеграции в СНГ и Центральной Азии. “Центральная Азия и Кавказ”, 1999.

23. Бобоқулов И. Transafghan corridor: problems and perspectives //Сборник трудов исследователей Узбекистана. - Шах Алам, Малайзия, Университет МАРА, 2007.

24. Толипов Ф.Ф. Теория и практика региональной интеграции в Центральной Азии. “Центральная Азия и Кавказ”, 2002.

25. Змеевский А.В. Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом //Московский журнал международного права. 2001.

26. Трофимов Д. Перспективы регионального сотрудничества в области безопасности. Стабильность в Центральной Азии в постконфликтный период. Матер. межд. конфер. (14-15 июня 2002 года, Ташкент). Т.: 2002.

27. Джонсон Г. Сотрудничество по безопасности в Центральной Азии после событий 11 сентября. Стабильность в Центральной Азии в постконфликтный период. Матер. межд. Конфер (14-15 июня 2002 года, Ташкент). Т.: 2002.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузаси –“Халқ сўзи” 2015 йил 14 январь №8-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузаси –“Халқ сўзи” 2015 йил 9 май №92-сон.

V. Автореферат ва диссертациялар

28. Турсунов А.С. “Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан”. – Т.: ТДЮИ, 2002.

29. Мунавваров М. “Императивы внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов”. – Т.: ЖИДУ, 2007.

30. Хўжанов Б. Геомафкуравий ўзгаришлар шароитида миллий-этник муносабатлар (Марказий Осиё минтақаси мисолида): Сиёсий фанлар номзоди даражасини олиш учун бажарилган диссертация. –Т.: ДЖҚА, 2002.

31. Умаров Х. Ўзбекистон Республикаси геосиёсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари: Сиёсий фанлар номзоди даражасини олиш учун бажарилган диссертация. –Т.: ДЖҚА, 2004.

32. Артыков Ж. “Внешняя политика Республики Узбекистан и проблемы транспортных коммуникаций”. – Т.: ЖИДУ, 2005.

33. Джумаев О. “Особенности развития национальной государственности в Узбекистане” – Т.: ДЖҚА, 2001.

VI. Хорижий адабиётлар

37. Кузнецов В.Е. “Введения в теорию международных отношений и анализ внешней политики.” –М.: “Издательский дом Сентябрь”, 2001.

38. Политология: Энциклопедический словарь. Москва. 1993

39. Singer J David. The Level-of-Analysis Problem in International Relations. International Politics and Foreign Policy/ Ed. by James N. Rozenau; The Free Press. New York, 1969.

40. Morgan Patrick M. Theories and Approaches to International Politics. Transaction Books; New Brunswick and Oxford, 1988.
41. Введение в теорию международных отношений и анализ внешней политики. Уч. пос. Санкт-Петербург. 1999.
42. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. Мировая политика и международные отношения на пороге третьего тысячелетия / Под ред. М.М. Лебедевой. -М.: "МОНФ" 2000.

VII. Интернет материаллари

44. Эксперты: О перспективах внешней политики Узбекистана. www.postsoviet.ru. январь, 2009.
45. Внешняя политика. mirslovarei.com/content_pol/VNESHNJAJA-POLITIKA1131.html. март, 2008.
46. МИД.РУз: Международное сотрудничество Узбекистана. mfa.uz/rus/mej_sotr/uzb, 2009.
47. Ўзбекистон-Туркменистон: қадимий қардошликка асосланган ҳамкорлик//www.region.uz/news.php?id=2128&lan=uz. февраль, 2009.
48. О внешней политике Узбекистана//www.ruvr.ru. февраль, 2009.
49. Ғ.Жамолов. Иттифоқчилик муносабатлари//www/Region.uz. январь, 2009.
50. Центральная Азия; интеграционные процессы www.polit.uz., 2007.
51. Узбекистан-Германия; новый уровень сотрудничества. www.samarkandinfo.uz/uzbekistan-germaniya. июнь, 2008.
52. Володин А.Г, Широков Г.К. глобализация; истоки, тенденции, перспективы//www.rambler.ru. март, 2005.
53. Евдокимов Е. Шанхайская организация сотрудничества становится главным механизмом обеспечения стабильности в Центральной Азии.
54. //www.mfa.kz/russian/art. октябрь, 2007.

55. www.gov.uz – O'zbekiston Respublikasi hukumati portali.
56. www.un.org – Birlashgan Millatlar Tashkiloti veb-sahifasi
57. www.tashkent.unesco.org – BMTning Ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha tashkiloti veb-sahifasi
58. www.mfa.uz – O'zbekiston Respublikasi Tashqi Ishlar Vazirligi veb-sahifasi
59. www.ambafrance-uz.org – O'zbekiston-Fransiya elchixonasi veb-sahifasi
60. www.gazeta.uz – Axborot sayti

ГЛОССАРИЙ

Геосиёсат – давлатнинг стратегик қудратига таъсир этувчи географик, тарихий, сиёсий ва бошқа ўзаро боғлиқ бўлган омилларни биргаликда кўрувчи ва тадқиқ этувчи тармоқлараро фандир.

Глобаллашув – бутун ер куррасини қамраб олувчи ва бугунги кунда жаҳон миқёсида турли соҳаларда кечаётган ўзаро алоқадорлилик жараёнидир.

Икки томонлама муносабатлар – икки давлат ўртасидаги ўзаро (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий) муносабатлар тизими.

Интеграция (лотинча *integration* – тиклаш, тўлдириш, *integer* – бутун сўзидан) - тизим ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб боровчи жараёнини ифодаладиган тушунча.

Иттифоқдош – муайян мақсад ёки манфаатлар негизида бирлашган ва уюшган томонлар.

Конвенция (лотинча *coventio* – келишув, битим) – бирор–бир масала бўйича халқаро битим ва шартномалар тури бўлиб, кўрилаётган махсус соҳада давлатларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатади.

Кўп томонлама муносабатлар – икки давлатни ташкилотлар, уюшмалар, блоклар, иттифоқлар таркибидаги муносабатлар тизими.

Меморандум (лотинча *memorandum*- эсда тутмоқ) - бирор давлатининг дипломатик йўл билан ҳал қилиши лозим бўлган масала юзасидан ўз нуқтаиназарини баён қилиб ёзган номаси. Одатда, нотага илова қилинади ёки бошқа мамлакат вакилига шахсан топширилади.

Миллий манфаат – 1) миллат, миллат вакилларининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ омиллар; 2) миллий давлатга моддий, маънавий, унинг ички ва ташқи сиёсатига мос келувчи, наф келтирувчи омиллар.

Регион (лотинча *regio* – ўлка) – йирик ҳудудий бирлик (масалан, табиий, иқтисодий, сиёсий); одатда, регионга нисбатан каттароқ бўлади.

Стратегия – йирик миқёсдаги тизим ривожини белгилаб берадиган тамойил, узоқ муддатли мақсадларни амалга ошириш қонун-қоидалари, режалари маълум фаолият доирасида амалга ошириладиган тактик сайёҳаракатлар кетма-кетлиги.

Ташқи сиёсат – давлатнинг халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш борасидаги давлат фаолиятининг йўналиши ва соҳаси, шунингдек тегишли мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги аниқ ва амалий қадамларидир.

Халқаро муносабатлар – ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари – иқтисодий айирбошладан то спорт мусобақаларигача бўлган жабҳаларни қамраб олади.

Халқаро ҳуқуқ – халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг умумий тизими. Мазкур меъёрлар уларнинг бошқа барча меъёрлари билан ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда талқин қилинади ва қўлланилади. Х.ҳ. маълум халқаро муносабатларни тартибга солади, натижада у халқаро ҳуқуқий муносабатга айланади.